# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

49 сон
7 — 13 декабр, 2006 йил




## 8 ДЕКАБР—ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

## ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ АКС ЭТГАН ҲУЖЖАТ



Иймон ва инсоф, меҳр-оқибат, шафқат ва раҳмдиллик, уят ва андиша, ор-номус, ўзаро ҳурмат, юксак ватанпарварлик, элига ва халқига садоқат каби фазилатлар азалдан ўзбек оиласида ва маҳалласида шаклланади. Худди ана шу фазилатлар унинг бой маданий-маърифий меросида ҳам акс этиб келган. Масалан, “Етим болаларингиз, мискинларингиз ва қўшниларингиз ҳолидан хабардор бўлинг”, “Кимки меҳрибонлик қилмас экан, ўзи ҳам меҳрибонлик кўрмагай” каби ҳадисларда акс этган инсоний қадриятлар қонуний меъёрлар кўринишида Конституциямизда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида **“Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида”** эканлигини таърифлаган бўлса, 64 - моддада **“Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.**

«Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради”, деб ёзиб қўйилган.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда оилаларнинг роли бекиёсдир. Келажагимиз асоси ҳисобланган ёш йигит-қизлар ана шу оилада камол топади. Ўзбек халқига хос ғурур, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат, кичикларга ғамхўрлик, ота-онага нисбатан меҳр-муҳаббат фазилатлари ҳам оилада шаклланади. Конституциямизнинг 64 ва 66-моддаларида оила масъулияти, ота-онанинг фарзанд олдидаги, ўз навбатида фарзандларнинг ота-она олдидаги бурч ҳамда мажбуриятлари экс этган. Ўз ўрнида маҳалла ҳам азал-азалдан ўзини оқлаган жамоатчилик намунаси, тарбия ўчоғи вазифасини бажариб келган. Шу боис Конституциямизнинг 105-моддаси бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бағишланган. Унда маҳалла ва халқнинг ўз-ўзини бошқаришга бўлган демократик ҳуқуқлари қонуний йўл билан мустаҳкамланган.

Конституция адолат, халқ ҳокимиятини қарор топтириш, инсон ҳуқуқларини адолатли ҳимоя қилишга хизмат қиладиган ягона мажмуа, дейишимиз мумкин. Шу боис уни ўрганиш ўз-ўзимизни англашимизда, оилавий қадриятларнинг мустаҳкамланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Марҳабо СОБИРОВА,**
**Фалсафа фанлари номзоди,**
**Тошкент юридик коллежи кафедра мудири.**

## ОИЛА МУҚАДДАС ДАРГОҲ



**«Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга»,**- дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясида. Ҳозирда Республикамизда оилаларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, тиббий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Соғлом оилани шакллантириш ва унда юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит яратиш юзасидан “Оналик мактаби”, “Тиббий ишлар асоси”, “Балоғат даври”, “Ёш оила мактаби” каби дастурлар ҳаётга жорий этилмоқда.

Балоғат остонасидаги ёшлар учун “Никоҳ ва оила асослари” курслари ташкил қилинди. Никоҳдан олдин ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш, ёш оилалар учун дастлабки беш йил мобайнида диспансер назоратини ташкил этиш ишлари йўлга қўйилиб, бунга давлат бюджетидан катта маблағ сарфланмоқда.

Инсон борки умид билан яшайди. Албатта орзу-ҳавасимга эришсам, фарзандларимнинг роҳатини, уларнинг камолини кўрсам дейди. Айниқса, бундай орзу-ҳаваслар бизнинг болажон халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Фарзандлар ҳам ўз навбатида ота-оналарининг орзу-умидларини рўёбга чиқаришда масъулдирлар. Ушбу муносабатларни тартибга солишнинг ёркин далили сифатида Конституциямизнинг 66-моддасида **“Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”**, деб белгиланган.

Жамиятнинг маънавий қиёфаси оилаларнинг қандайлигига боғлиқлиги азалий ҳақиқат. Чунки, оила жамиятнинг ижтимоий-маънавий бўғини, кичик бир вакили бўлиб, айнан, оила заминида халқимизнинг бугуни ва келажаги бунёд этилади.

**Ўктамхон ҚОДИРОВА,**
**Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ФҲДЁ бўлими мудираси.**



***Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.***
**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 63-модда**

## ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

“Никоҳ уйи”имиз “Оила ва никоҳ маркази”, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда оилаларда тиббий маданиятни, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Қизғин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар асосида ўтаётган “Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг зарарли оқибатлари”, “Оила, никоҳ ва саломатлик”, “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг аҳамияти”, “Оила - ватан ичра ватан”, “Никоҳ шартномаси нима?” каби мавзуларда тадбирларимиз беиз кетмаяпти. Масалан, дастлабки пайтлари никоҳланувчиларнинг тиббий кўрикдан ўтишига ота-оналар, қолаверса ёшларнинг ўзлари ҳам жиддий аҳамият беришмаган бўлса, бугунга келиб муносабат кескин ўзгарди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят бўйича жами 1600 дан ортиқ никоҳ қайд этилди. Никоҳдан ўтиш учун ариза берган йигит-қизларнинг барчаси белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтишди. Йигит ёки қизда айрим касалликлар аниқланганда никоҳни қайд этишни кечиктириб туриш ва даволаниш учун шифохоналарга йўлланма бериш чоралари кўрилмоқда.

Хотин-қизлар қўмиталари, маслаҳатчилар билан нотинч оилаларда бўлиб, тушунтириш ишлари олиб борилаётгани, амалий ёрдам кўрсатилаётгани боис ажрашишлар бирмунча камайишига эришилди.

Албатта, ҳали режаларимиз, қиладиган ишларимиз кўп. Асосийси, юртимизда бахти тўкис оилалар кўпаяверсин.

**Маъмура ЖЎРАЕВА,**
**Сирдарё вилояти “Никоҳ уйи” ходими.**

## АЁЛ ҚАДРИ—ВАТАН ҚАДРИ



Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва “Журналист аёллар клуби” томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 14 йиллигига бағишлаб, “Аёл қадри - Ватан қадри” мавзуида анжуман ўтказилди.

Тошкент Давлат Педагогика университети профессори, юридик фанлари доктори Омина Каримова, бош Қомусимиз ва у асосида қабул қилинган ўнлаб Қонунларда аёл қадри, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларига кенг ўрин берилганлиги ҳақида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳаммедов, “Журналист аёллар клуби” раиси Мўътабар Каримова, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломовлар журналист аёлларни байрам билан қутладилар.

Тадбир ўз меҳнати билан обрў-эътибор, ҳурмат топган журналист аёллардан бир гуруҳини қутлуғ ёшлари билан муборакбод этиш тантаналарига уланиб кетди. Тележурналистлар Галина Мелникова, Ҳафизахон Хайитметова, матбуот фидойилари Муқаддас Абдусаматова, Бахшанда Болтаева, матбаа жонкуярлари Моҳина Ашурова, Назира Жўраева сингари ижодкорлар шаънига ҳамкасблари, шогирдлари дил сўзларини изҳор этишди. Юбилярларга тадбир ташкилотчилари ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Яхшилардан сўз очдик*



# ЭЛДА ҲУРМАТ ТОПИБ

Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб дунёда авиация ва космонавтика соҳаси жадал ривожлана боргани боис аксарият ўсмирлар учувчи ёки космонавт бўлишни орзу қилишарди. Жумладан, Ҳусен Собировнинг кўнглида ҳам ана шундай қизиқиш куртак отиб улгурганди. Аммо отаси - 49 йил суд-ҳуқуқ тизимида меҳнат қилган, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист" Мавлон Собировнинг маслаҳатидан сўнг ота касбини давом эттиришга аҳд қилди.

- Ҳуқуқшунослик факультетини тугатгач, 1971 йилда мени Самарқанд шаҳар прокуратурасига ишга юборишди, - деб эслайди Ҳусен ака. - Ана шунда отамнинг сабоқлари университетда олган билимларим билан қўшилиб, менга жуда катта фойда берди.

Дарҳақиқат, тиришқоқ, интилувчан Ҳусен Собиров катта терговчи лавозимига тайинланди. Ўзига топширилган дастлабки ишдаёқ катта миқдорда давлат мулкини талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятни фош этиб, республика прокурорининг имзоси туширилган қимматбаҳо соат билан тақдирланди.

У олти йил давомида Самарқанд шаҳар прокурори катта ёрдамчиси, вилоят прокуратурасида прокурор-криминалист каби вазифаларда ишлаб, 1977 йилда Темирйўл туманига прокурор этиб тайинланди. Талабчанлик, қаттиққўллик, тажриба ва билим прокурорга қанчалик асқотишини шунда яққол ҳис этди. Шу туманда 9 йил ишлаб, кўплаб ёшларга устозлик қилди.

1984 йилда эса вилоят ташкилотининг маъмурий органлар бўлими мудири лавозимига тайинлашди. Кейин Советобод (ҳозирги Нуробод), кейин Боғишамол тумани прокурори лавозимида ишлади. 1990 йилда вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарди.

Қаҳрамонимизнинг Наманган вилояти прокурори лавозимига тайинланиши ҳам қизиқ бўлган. Ўшанда мустақилликнинг дастлабки йиллари эди. Пойтахтдан бир гуруҳ раҳбарлар ҳамкорлигида Наманганга боришади. Бир прокурорни таништиришга бағишланган йиғилиш бошланади. Шунда вилоятнинг ўша пайтдаги ҳокими ҳайрон бўлиб: "Мен тушунмадим, бу одам ким, ахир мен вилоятнинг раҳбариман, нега мен билан маслаҳатлашмай уни бу лавозимга тайинлашди?" - дейди. Ваҳоланки, ўшандаёқ юртбошимиз томонидан суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг илк босқичи бошлаб берилганди.

Яъни тизим раҳбарлари вилоят ҳокимлари томонидан эмас, балки Президент тавсияси билан тайинлана бошланган, энди улар собиқ совет давридагидек вилоят раҳбари олдида тавозе қилиб турмас, биринчи навбатда қонунга бўйсунишар эди.

- Ўша йиллар Наманган жуда нотинч эди. Совет тузумининг мавкуравий кишанларидан озод бўлиб, гангиб қолган халқни нотўғри йўлларга, диний-экстремистик оқимларга бошламоқчи бўлган гуруҳлар кўп эди. Ваҳобизм кенг тарқалган. Қаттиқ курашишга тўғри келди. Қийинчиликлар ҳам бўлди,-дея эслайди Ҳусен Мавлонов.

- Мустақиллик менга кўп нарса берди, - дейди Ҳ. Собиров. - Айнан истиқлол йилларида "3-даражали адлия маслаҳатчиси" унвонига сазовор бўлдим, прокуратура генерали бўлишдек шараф насиб этди. 2-даражали "Шон-шараф" ордени билан тақдирландим. Бу лавозим ва унвонларнинг қувонч шарафи қанча юқори бўлса, бурч ва масъулияти ундан-да зиёдроқ.

- Устозларим олдида доим таъзимдаман,-дея сўзида давом этади қаҳрамонимиз. - Ўзим устозлик даражасига эришганимдагина устозлик масъулиятини, унинг шогирди учун жон куйдиришини, шогирдининг озгина муваффақиятидан қувониб, озгина хатосидан қанчалик азият чекишини тушундим. Прокуратуранинг устунларидан бўлмиш марҳум Фарид Абдухолиқзода, Рустам Элмуродовлар хотираси олдида доим таъзимдаман. Бугун кексалик гаштини сураётган Салоҳиддин Нуриддинов, Абдуқодир Каримбердиев, Умарқул Усмонов, Ҳайдар Исломовларни чуқур ҳурмат билан устозларим, дейишга ҳақлиман. Улардан кўп нарса ўргандим. Муҳими, улар менга ўз тажрибаларини, билимларини, ишимизнинг нозик қирраларини эринмай, синчиклаб ўргатишди. Мен ҳам шогирдларимга улардан ўрганганларимни ўз тажрибаларимни қўшиб ўргатишга ҳаракат қилаяпман.

Уч фарзандим ва беш набирам бор. Фарзандларим иқтисод йўналишида банк тизимида ишлаб келишмоқда.

**Исматулло ЙЎЛДОШЕВ,**
**Самарқанд вилояти.**

# ҚАЙТА ТУҒИЛГАН ИНСОН



**Турсуной опа Аҳадова оилани мунаввар этган аёлларнинг биридир. У Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Муҳит Раҳимов кўчаси 20-уйда истиқомат қилади.**

Турсуной опа 1968 йилда Юсуфжон Аҳадов билан турмуш қурди. Улар 2 фарзанднинг ота-онаси бўлишди. Орадан бир оз вақт ўтгач, Юсуфжон ака оғир касалликка чалиниб, оёқ-қўллари ишламай, ўринга михланиб қолди. Шифокорлар, қариндош-уруғлар, айниқса умр йўлдоши Турсуной опа қанча уринишмасин, қанча муолажа қилдиришмасин фойдаси жуда кам бўлди. Бироқ...

Бироқ шу вақт Юсуфжон акага унинг аёли малҳам бўлди. Айниқса, аёл ширин сўзи, меҳр тўла кўзлари, умид ва ишончга тўла қалби билан даво бергандек бўлди.

Болалар ҳали ёш, ўзи давлат хизматини, уй юмушларини бажариши, жонидан азиз ёстиқдошининг маъюс боқишларига—ҳамма, ҳаммасига чидаши, барчасига улгуриши, малҳам бўлиши лозим эди. Турсуной опа шу ўринда ақл-идрок, сабр-тоқат, энг асосийси умид ва ишонч билан астойдил ҳаракат қилди. У ҳар куни: "Эй, Раббим, Оллоҳим, болаларимнинг отаси ўлиб қолмасинлар, ётиб қолсалар ҳам майли. Ўлмасалар ахир бир кун юриб кетарлар", деб яратганга ёлворар, илтижо қилар, ҳаётга умид билан боқар эди.

Юсуфжон ака эса оғриқларга чидар, қийинчиликларга бардош берар ва "Бир куни юриб кетаман, мен бунга ишонаман",-деб аёлининг кўз ёшларини артиб, юпатар эди. - Сен менинг ойимсан, қуёшимсан, бахту иқболимсан. Сени менга берган Оллоҳга минг бор шукрлар бўлсин", деб 25 йил Сабр, Бардош, Умид ва Ишонч билан яшади.

Донолар: "Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ", деб бежиз айтмаган эканлар...

Қарангки, 25 йил деганда бу оилада мўъжиза юз берди. Қаҳрамонимиз Юсуфжон ака ҳеч нарса кўрмагандек соппа-соғ бўлиб юриб кетдилар.

Ҳа, ҳа. Бу қандай бўлди, дерсиз? Дарҳақиқат, бу мўъжиза. Яратганнинг иродаси, ибрат бўларли мўъжизаси эди.

Кўпчилик руҳшунослар мўъжиза, туш кўриш ва унинг таъбирига ишонадилар, унга илмий, назарий ва амалий баҳо берадилар.

Юсуфжон ака кунлардан бирида туш кўради. Қаҳрамонимиз таъбирича, тушда: "У жаннатда икки фаришта бошчилигида юрган эмиш. Улар катта ховузда замзам сувига ювунтиришган, янги либослар кийинтиришган, учта саволга жавоб олиб, сиз онадан қайта туғилдингиз, энди юриб кетасиз. Бироқ, 3 нарсага амал қилишингиз керак. Улар: сиз хосиятли инсонсиз, алоҳида фазилат, хислат ва хусусиятларингиз билан одамларга - беморларга ёрдам берасиз. Уларга қўл уриб даволайсиз, уйга келганларни асло қайтармайсиз, энг асосийси холис хизмат қиласиз",-деган кўрсатмали ибораларни айтишган.

2005 йил 28 декабр... Тонг отди. Юсуфжон ака тонгда уйғониб ўзини жуда яхши, енгил ҳис қилди. Кўрган тушини таҳлилу мулоҳаза қилиб, унга амал этишга уринди. 3 маротаба ўрнидан туришга ҳаракат қилди. Учинчи уринишида: "Ё раббим", деб кўзғолиб ўрнидан туриб, соппа-соғ кишилардек қадам босиб юра бошлади. Уйидан айвонга чиқди...

Ана сизга мўъжизаю,тўю тантана, хурсандчилик...

Айниқса, Турсуной опа кўзида ёш, қалбида қувонч билан: "Мен энди сиз онадан қайта туғилган инсонсиз, деб баралла айта оламан", дея Юсуфжон акага юзланганида ҳар қандай инсоннинг қалби жунбушга келади.

Бу хурсандчиликка ўз ҳиссасини қўшган қаҳрамонимизнинг аёли Турсуной опа, 11 ёшидан ота парваришига қўл урган қизи Дилрабохон, ўғиллари Шавкатжон ва маҳалла шифокори Гулчеҳра Қобуловаларга ҳар қанча тасанно, ҳар қанча мақтову олқишлар айтгинг келади.

* * *

Биз Юсуфжон ака хонадонларида бўлиб юқоридагиларни ёзиб оларканмиз, ҳозирги даврда айрим оилалардаги эр-хотин можаролари кўз ўнгимизга келди. Иқтисодий муаммоларни, "ошқозон" ғалвасини рўкач қилиб баъзи "тили ўткир" аёллар оилаларнинг бузилишига, болаларнинг тирик етимга айланиб қолишига сабаб бўлмоқдалар.

Наҳотки, ҳамма нарсани моддият ҳал этса? Йўқ албатта! Дунёда моддий оламдан устун турувчи "Руҳ", "Инсон" тушунчаси мавжуд. У шундай илоҳий неъматки, уни ҳеч бир мезон билан ўлчаб бўлмайди. Унинг чек-чегараси йўқ.

Турсуной опанинг бошидан ўтган кунлари ҳар бир аёл учун ибратлидир.

Бу ўринда Юсуфжон аканинг қизлари Дилрабохоннинг ҳам меҳнатларини алоҳида таъкидлаш лозим. Отасини дарддаридан фориғ қилиш учун мурғак кўнглига тиббиёт ходими бўлиш орзусини туғиб олди. Йиллар ўтиб эзгу нияти амалга ошди. Отасига муолажаларни ўз вақтида амалга оширди, ширин сўзини аямади. Юсуфжон ака қизидан бир умр миннатдор. Ўғли Шавкат, келин ва набиралари ота атрофида парвона. Буларнинг ҳаммаси Юсуфжон ака ва Турсуной опанинг меҳр-муҳаббати, фарзанд ва набираларига берилган тўғри тарбиянинг натижаси эканлигига иймон келтирдик.

**Дилрабо ДИЛШОД қизи**
**(Обидова)**

*Ахборот*

# ОИТСсиз КЕЛАЖАК САРИ

1-декабрь - "Халқаро ОИТСга қарши кураш куни" муносабати билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси "Халқаро ОИТСга қарши кураш ойлиги" ва "ОИТСни тўхтатинг, ваъдани бажаринг" шиори остида кўрик-танлов эълон қилганди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан танловга тақдим этилган расм-плакатлар, альбомлар ва иншолар Республика комиссияси томонидан ўрганилиб борилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва "Карвон Холдинг" компанияси ташаббуси билан "Ўзкургазмасавдо" марказида ўтказилган катта хайрия концерти ана шу танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Ф. Акбарова "Кучли ғоя" номинацияси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, "Изланувчан ижодкор" йўналишида Навоий вилояти, "Энг яхши тарғиботчи" номинацияси бўйича Тошкент вилояти, "Фаол иштироки учун" номинациясида Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари танлов ғолиби деб топилганини эълон қилиб, тегишли сертификатларни топширди.

**Адиба УМИРОВА**

# ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР

Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани "Йилқичи" маҳалласида Конституция байрами арафасида бир қатор хайрия тадбирлари ўтказилди. Маҳалла оқсоқоли Аблай Сафаров шундай дейди:

-Ҳомийлар кўмагида ёлғиз нафақахўрларни мунтазам озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турибмиз. Яқинда 11 нафар оғир касалларга 10 минг сўмдан пул ва 5 килограммдан ёғ берилди. Ночор оилалардан 10 тасининг газ ва электр тўловларидан қарзини қоплаш учун 10 минг сўмдан пул ўтказилди. 2 ёшгача бола тарбияси билан банд ҳамда 16 ёшгача ўқувчи болалари бўлган кам таъминланган оилаларга кийим-кечак ва бошқа зарур нарсалардан ёрдам қилаяпмиз. 11 нафар ишсиз уй бекалари касаначилик билан шуғуллана бошлашди.

**Хулкар АМАНҚУЛОВА**

# ҚАЛБГА КИРИБ БОРГАН НУР



***Суҳбатдошимиз “Шарқ юлдузи” журналининг Бош муҳаррири ўринбосари, севимли шоиримиз Икром ОТАМУРОДОВ***

**— Икром ака, келинг, суҳбатимизни бевосита “Шарқ юлдузи” журналининг бугунги ҳолати, унинг жараёни ва талаблари ҳақида бошласак...**

— Агар гап журналнинг ҳолати тўғрисида бўладиган бўлса, айни пайтда у йилида олтидан чоп этиляпти. Яъни, икки ойда биттадан нашр қилиняпти. Ўзингизга маълум, “Шарқ юлдузи” журнали адабиётимизнинг катта майдони. Адабиётда кечаётган, анъанага айланган, пайдо бўлаётган адабий-бадиий сўз кўринишларини, ифода манзараларини, янги кузатиш ва шаклларни, фикр йўсинларини ўзининг саҳифаларида имкон қадар илғаб, намоён этадиган майдон. Мен буни ўзим шу ерда ишлаётганим учунгина айтаётганим йўқ. Бу адабиёт аҳлининг, “Шарқ юлдузи” журнали мухлисларининг фикри. Журналда ижод аҳлининг ёши улуғ устозлардан тортиб токи, адабиётга чинакам ихлос билан кириб келаётган ёш қаламкашларгача бўлган бўғинларининг бирдай асарлари берилади. Шу ўринда, саволингиздаги “талаб” сўзига эътиборни қаратмоқчи эдим. Журналда асарлар учун “талаб”, мезон битта. Ҳар бир асарга маҳорат, малака, сўзни ҳис этиш нуқтаи назаридан ёндошилади. Ва ана шу уч нуқта бирлашган мезондан келиб чиққан ҳолда асарлар тайёрланади. Бу журналнинг шаклланган анъанаси.

**— Сир эмаски, журнал авваллари барча хонадонларга кириб борган. Бугунга келиб, уни назаримизда, фақат адабиёт аҳли ўқиётгандек...**

— Гапингиз бир жиҳатдан қараганда тўғри. Лекин бир нарсани англаш лозим. Бугунга келиб, давр ўзгарди. Демак, қарашлар ҳам ўзгарди. Ўзингиз биласиз, авваллари ўқиш, обуна ташкил қилинарди. Оммавийлик деган гап бўларди. Ўқиш ҳам, обуна ҳам, борингки, фаолиятнинг барча жабҳаси оммавийликка асосланганди. Эндиликда эса хусусийликка қараб бориляпти. Хусусан, ўқишда ҳам. Бундан оғринмаслик лозим. Энди ҳис қилиб, тушуниб ўқиш лозим. Шундай экан, энди соҳа-соҳа, қирра-қирра ўқишлар пайдо бўлиши табиий. Муҳими, ўқиш. Чунки, ўқиш ўзингга яқин келишдир. Бу борада адабиётнинг аҳамияти катта. Адабиёт — қалбга кириб борган нур. “Шарқ юлдузи” эса ана шу нурнинг қалбга борадиган йўли. Шундан келиб чиққан ҳолда қаралса, демак, “Шарқ юлдузи” журналини адабиёт аҳли ўқиётган экан, бунга раҳмат. Демак, адабиёт аҳли орқали “Шарқ юлдузи” журнали фикр хонадонларига, қалб хонадонларига нур олиб кириб бораверади.

**— Ижодкор, айниқса, шоир бир жойда қўним топиши қийин. Сиз анча йиллардан бери шу журналда ишлаб келмоқдасиз. Сизни журналга кимдир олиб келганми ёки ўзингиз қизиқиб келганмисиз?**

— Жавобимни саволингизнинг сўнгидан бошлай қолай. Мени журналга насибам етаклаб келган. Дорилфунунда ўқиб юрган кезларим, журналда амалиёт ўтказганман. Ўшанда, иккита тақризим чиққан эди. 1975 йилдан буён шу ерда ризқим қўшилиб, ишлаб келмоқдаман. Ишда ва фаолиятда у ёқдан-бу ёққа ўтиб юришни эмас, балки собитлик ва субутни ёқтираман. Журнал менинг борлиғимга айланиб кетган. Бошқача тасаввур қилолмайман.

**— “Шарқ юлдузи” журналида ёзувлари чиқишини орзу қилиб юрган ёш қаламкаш ва таржимонларга қандай имкониятлар бор?**

— Юқорида айтганимдек, журналда босилаётган асарларга битта мезон бор. Яъни, маҳорат, малака, сўзни ҳис қилиш мезони. Агар журналнинг мундарижасига эътибор берган бўлсангиз, унда ёшлар учун алоҳида рукнлар мавжуд. “Талабалар дафтаридан”, “Булоқ кўз очди”, “Атиргулнинг беш атри”, “Камалакнинг етти ранги”, “Ёшлар мушоираси” шундай рукнлар сирасига киради. Демак, журналда ёшларнинг асарларига кенг имконият мавжуд. Шу жойда, гарчи саволингизда ишора бўлмаса ҳам, бир нарса борасида икки оғиз қўшимча қилмоқчи эдим. Маълумки, ҳозир обуна мавсуми кетаяпти. “Оила ва жамият” газетасининг мухлислари, ихлосмандларига куч-соғлик тилаб, “Шарқ юлдузи” журналига яқин бўлишларини, хонадонларига олиб киришларини истардим. Ва шуни ихтиёр этганларга олдиндан раҳмат.

**- Сизга ҳам суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Адиба УМИРОВА**

*Газетхон—газета ва ҳаёт ҳақида*

# КЎНГИЛ ЎЗ ЖУФТИНИ ТОПСИН

**“Оила ва жамият” газетасида ўзига ёр излаб эълон берган беваларнинг, ёшлангларнинг орзу-ниятларини ўқиб, ўйга толдим.** Ҳамма ёри йўқлар ёр истамайди, ёр излайди. Ёш ҳам, кекса ҳам, эркак ҳам, аёл ҳам бири минг андишада, юз истиҳолада, хуфиёна, сабр-тоқат билан истайди, излайди. Бири ошкора, очиқ-ойдин, шошиб-тошиб истайди, излайди. Аммо қани у? Кўнгилга яроқли ёр қани? Ҳамма ёр истаганлар ўзига муносибини орзу қилади, излайди. Лекин топа олмайди. Шундан кейин қўлидан келганлар эҳтиросларини шеърга соладилар, куйга соладилар, хиргойи қиладилар. Қўлидан ижодий юмуш келмайдиганлар тўғридан-тўғри таниш-билишларга дарак соладилар. Кўча-кўйда кўз ташлаб юрадилар. Баъзилар эса рўзномаларга ёхуд журналларга, яна баъзилар махсус бюроларга мурожаат этадилар. Улар назарида - охирги чора, сўнгги нажот... Бироқ ёр бор. У ён-атрофингда, узоқ-яқинингда, қўни-қўшнинг, қариндош-уруғинг, ишхонангда. Аммо сен топа олмайсан. У сенга зор, сен унга зор. У сенга ғойибона талабгор, сен унга пинҳона дилабгор. Лекин бир-бирингга ета олмайсан, дийдорини кўра олмайсан, висолига ета билмайсан. Гарангсан, диққатига юрагинг сиқилгани сиқилган. Ҳаёт тарзимизнинг мураккаблигини, шафқатсизлигини қаранг...



“Иккинчи ҳаёт...” Ажабо, одамнинг ҳам иккинчи ҳаёти бўлар эканми? Ахир шу вақтга қадар ҳаёт инсонга бир марта берилади, дейишар эди-ку? “Хўп, киши икки марта ҳаёт кўрмайди, яъни икки марта яшамайди... “Иккинчи ҳаёт” дегани “иккинчи турмуш” дегани», деб шивирлайди кўнглим. «Ҳа, шундайми?», дейман мен, у ҳолда фарқи оз экан. “Иккинчи турмуш”ни, “иккинчи ҳаёт” деса бўлар экан. Ҳақиқатан ҳам бундай ўйлаб қаралса, инсоннинг ҳаёти турмуш қуриб, оилали бўлганда камолга етади. Одам бола-чақали бўлганида, у тўла маънода тўла-тўкис ҳаёт кечирадиган бўлади. Шу мулоҳазадан келиб чиқиб турмушни ҳаёт десак бўлади. Ҳаёт эса, табиийки, ёшга ҳам, кексага ҳам керак! Бироқ, нима десак ҳам, биринчи турмуш бу- чинакамига ҳаёт! Иккинчи турмуш бу... Майли, бу ҳақда ким қандай фикрда ўзига ҳавола. Лекин қани, менга инсоф билан айтинг-чи, иккинчи марта турмуш қилиб, иккинчи оиласидан рўшнолик кўриб, бахт-саодатли бўлиб кетганлар борми? Бор бўлса, улар Аллоҳнинг энг севимли, энг ёқтирган бандаларидирлар. Буни инкор қилиб бўлмас. Бу хусусда Одам Ато давридан бошлаб қанчадан-қанча достонлар, қиссалар, ғазаллар битилган.

Лекин биринчи турмушида бахтли яшаб келаётиб, бир кўнгилсиз сабаб билан бир-биридан жудо бўлиб қолган жуфтлар қандай қилиб иккинчи турмушларида яна бахтли бўлиб ҳаёт кечирадилар, ақл бовар қилмайди. Севган жуфтидан ажралган, кечагина саодатли турмушлари бузилган одам, бу - одамми? Қанчадан-қанча дард-уқубатлардан, алам-андуҳлардан сўнг ҳеч нарса бўлмагандай иккинчи, учинчи турмуши билан бахтли бўлиб кетаверса... Бунақа бахт қанақа бўларкин? Балки бундай бахтни одамлар ўйлаб чиқарганмикинлар? Тешик қулоққа шунчаки тўқиганмиканлар? Балки уларники аслида биз ўйлаган бахт эмасдир. Шунчаки, муроса-ю, мадорадир? Нари борса, қониқарли ҳаётдир, тинч-тотув турмушдир. Албатта, бир мартагина бериладиган умрда икки, уч марта турмуш қурса, қурмагандан кўра яхши-ку. Демак, шу боисдан; улар ўзларини “бахтли” санасалар керак. Бильакс, биринчи муҳаббатнинг меваси бўлган бахтга кейинги “бахт”ни қиёслаб бўладими? Биринчи бахтни юзага келтирган биринчи муҳаббат бу - инсон борлиғининг эндигина сабза урган, аммо энг кучли, энг эҳтиросли, энг олий туйғуси-ку! У инсон юрагини чекка-чеккасигача эгаллаб бўлган оташ-ку!

Яна қанақа бахт ҳақида гап бўлиши мумкин. Ёки “сал бахт”, “ним бахт”, “етилмаган бахт”, деган “бахтлар” ҳам борми? Мен бундай “чала бахтлар”ни эшитмаган эканман.

Иккинчи турмушда ҳам инсон бахтли бўлиши мумкин. Қачон? Қачонки, инсон дунёга келибди, бахт деган олий неъматни илгари ҳеч қачон татимаган. Борди-ю, муҳаббат ҳисси илиқ елдай келиб, вужудини силаб-сийпабгина ўтиб кетган бўлса, бу - бошқа... Чақалоқ бир марта туғилганидек, турмуш қурганларда муҳаббат ҳам, унинг шириндан-шакар меваси бўлмиш бахт ҳам бир марта туғилади, ишонинг. Кейингиси яратилади, бунёд қилинади. Бунга эришмоқ ўз-ўзидан бўлмас.

Ўзбекона одатимизга кўра, қизга куёв, йигитга келин топган, беваларга бевалар ахтариб, уларни муродга етказган одамлар катта савоб топадилар. Моҳиятга қарайдиган бўлсак, билмадим, бу савобнинг улканлигини бошқа қандай савобга тенглаштириш мумкин. Ислом динимизда ҳам бу савоб ниҳоятда улуғланган.

Халқимизда «Қиз эрсиз қолмас, йигит хотинсиз ўтмас», деган нақл бор. Йигит-қизлар вақти билан ўз жуфтларини топиб кетарлар. Аммо чорасиз қолган шўрлик қурғур кекса, бева-бечоралар-чи? Уларга қандай бўлмасин, қаердан, кимдан бўлмасин, кўмак керак-ку. Кўмак қайда бўлади ўзи? Баъзилар қисматида эса умуман кўмак келадиган хайрли жой, саҳоватпеша инсон бўлмаслиги ҳам мумкин-ку. Ўзинг ахтарасан, излайсан, топмайсан. Ана шундай пайтларда ростдан ҳам матбуот, махсус бюролар асқотади. Улар жонига оро киради. Ахир яшаш керак-ку. Ҳаётни жуфтликда давом эттиришга нима етсин. Йўқса, бева-бечора яримта, чорақда бўлиб ўтаверсинми? Яримта одамнинг ҳаёти ҳам яримта бўлади-ку. Умр эса таъкидлаймиз бир марта берилади. Бинобарин, инсон ҳаёти яримта бўлиб ўтмасин. Майли, муҳаббат бўлмаса-да, илиқлик бўлар. Бахт бўлмаса, тотувлик бўлар, булар ҳам ҳаёт неъматлари-ку. Уларни тотиб яшаш ҳам фароғат-ку.

“Оила ва жамият” рўзномасининг “Қайда ўзи ўша бахт”, рукни орқали ўз зиммасига олган бу савоб миссияси бағоят улуғ ишдир.

Газетага нажот излаб мурожаатнома йўллаган барча интиқ тоқ инсонларга тез кунда ўз жуфтини топиш бахтини тилайман.

***Ҳур беваларга жуфтлар йўлини берсин,***
***Кўнгил излаганга ёр кўнглини берсин...***

**Азимжон ҚОСИМОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

# ЧИРОЙЛИ ЯШАШНИНГ ШАРТЛАРИ

Ушбу мақолада кўтарилган муаммо кўплаб оилаларда учраши мумкин. Мақолани ўқир эканман, турмушда ўзим тўқнашган кўп воқеалар ёдга тушди. Ёзилишича, йигит мол фермасида ишлар экан. Ҳар касбнинг ё ҳунарнинг яхши ва ёмон томони бўлади. Машина ҳайдовчи, конда ишловчи, электр билан шуғулланувчи ва ҳоказоларни кўз олдингизга келтиринг. Афсуски, шаҳардан тушган келин: "Мен мол тезаклари орасида қанақа қилиб юраман?" - деб нолияпти. Ҳамма жанжал ва келишмовчиликлар шундан келиб чиқаяпти. Ҳатто жанжал ажралиш даражасигача етган. Бу ўринда мен келинни ёқлай олмайман! Амма билан тоғачи? Уларда ҳам фарзандлар, келину куёвлар бўлса керак. Нега шошиб қолишди? Нега дарров қизларини ажратиб олиб кетиш тараддудига тушишди. Масаланинг туб моҳиятини ўйлашмади. Чунки бу бировнинг дарди-да. Ахир "Ошсиз уй бор, урушсиз уй йўқ", дейдилар-ку.

Бир яқин қариндошимизнинг қизи педагогика университетининг мусиқашунослик факультетида ўқиди ва ёқилғи қуйиш шаҳобчасида ишлайдиган йигитга турмушга чиқди. Ҳозир улар бир ўғил, бир қизли бўлишди. Йигит - Раҳматжон кечқурун ишдан қайтганда эгни-бошидан гуп этиб бензин ҳиди анқийди. Пианино чалиб машқ қилиб ўтирган нозиккина Шаҳноза бурнини жийирмайди, эрига салом бериб, илиқ кутиб олади. Ҳазил-ҳузул аралаш хоҳолаб кулганча: "Сизни ванна чақираяпти, кетдик", - дейдида, уни ёш боладек эркалаб ҳаммомга олиб киради, ювиниб эгни-бошини алмаштириб ораста бўлган эрнинг руҳи енгил, кайфияти чоғ уйга кириб бир тиззасига ўғлини, иккинчисига қизини олади. Бу пайтда Шаҳноза ечилган кийимларни кир ювиш кунига ивитиб, ювиб, дорга ёяди. Очиқ ҳавода бензин ҳиди тарқайди. Нафақат бензин ҳиди, оилага соя ташлаши мумкин бўлган совуқ ғуборлар ҳам тарқашини айтмайсизми? Қайнонаю қайнота Шаҳнозанинг беғубор, дилбар келинлигидан мамнун ўтиришади.

Биз "дом"да тураймиз. Бувимиз Бешқайрағоч даҳасида катта ҳовлида яшайдилар. Шанба, якшанба кунлари уларни кўргани борамиз. Бувим қўй боқадилар. Қўйларни ўтлатгани кўчага олиб чиқаётганда 4-5 қўй маъраб, ҳовлига ёйилиб кетди. Қизим улардан қўрқиб, айвонга, ундан уйга чопади. Эшикни ёпиб, деразадан томоша қилиб туради. "Кап-катта қиз қўйдан ҳам қўрқадими?" деб бувим койийдилар. Тақдир тақозосини қарангки, у Гулистон даҳасига келин бўлиб тушди. Қудаларимиз эса қўй, сигир, товуқ боқишар экан. Қўйдан қўрқиб қочган Муҳайё сигир соғмоқда, десам ишонасизми? Қайнонаси қаттиққўл, бир сўзли, ўта талабчан, аммо диёнатли, бағри кенг аёл. Муҳайё аввалига бир-икки сигир олдига йўламай, бошқа юмушларни қилиб юрди. Шунда қайнонаси: "Одам қилган ишни одам қилмайдими? Меҳр қўйсангиз ёмон бўлмайди", деб насиҳат қилди. У: "Аввал чўчидим, думини кўтарса, орқага тисарилдим, кейин аста-секин ўрганиб кетдим", - дейди. Бу билан Муҳайё гап-сўз кўпаймасин, уйим тинч бўлсин, деб келишмовчиликларнинг олдини олди.

Мен яна мақолага қайтсам. "Кечқурун уйга келганларида ҳаммаёқларидан гўнг ҳиди келади", дейди келин. Ахир йигит нима қилсин, касби шундай экан. Ювиб, тозалаб, эгни-бошни алмаштириб бир иложини топса бўлмасмикан? Муаллиф "Хотинингизнинг истаги, қизиқишини ҳам ҳурмат қилинг-да", - деб ётиғи билан тушунтиргач, куёвнинг чеҳраси ёришди. Хайриятки, иш яхшилик билан тугади. Халқимизда: "Ҳамма стол эгаси бўлишга интилаверса, подани ким боқади?" деган гап бор. Айлантирсак, гап кетидан гап чиқаверади. Мол фермаси биринчидан, бу сут, гўшт, пишлоқ, ёғ маҳсулоти дегани бўлса, иккинчидан, ҳозир ҳеч қаерда ишламай, "узун кириб-узун чиқиб" юрган йигитлар озми? Эрталабки нонуштадан сўнг телевизор тагига чўзилиб, кунини кеч қилаётган, тоғни урса талқон қилгудек кучи бор норғул йигитлар озми? Ишга бўйин ёр бермай, текинни кўзлайдиган, отанинг пенсиясини пойлаб кун санайдиганлар йўқ дейсизми? Бунга ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Қишлоқларда қандай билмадим-ку, аммо шаҳарда шунақаси ҳам бор. Шуларни ўйлаб, мол фермаси бор йигит ишидан совумасин, кўнглини бузмасин, фермани кенгайтириш чораларини изласин, дейман. Келин эса ҳам ишда, ҳам ҳаётда унга хайриҳоҳ бўлишини истайман.

**М. ТУРОБОВА**




*"Чиройли яшаш ҳам керак-ку..." - 43-сон*

**ЭСЛАТМА: Келин эрининг фермада ишлаб, доим устидан гўнг ҳиди келиб туришидан, ўзини касби - пианиночилик бўйича ишлашига рухсат бермаётганидан нолиди. Ҳамма келишмовчиликларга сабаб шу экан. Уларга насиҳат қилиб муросага келтирдим.**

**Муаллиф: А. ҚОСИМОВ**

Камдан-кам шаҳар қизлари қишлоқ шароитига кўникиб яшай олишади. Орада келишмовчиликлар, кўнгилхираликлар пайдо бўлади. Бизнинг қишлоғимизда ҳам "шаҳарлик келинлар"нинг айримлари уддабурон, эпчил, хушмуомала. Айримлари эса қозонда овқат қиламан ёки тандирга нон ёпаман, деб сочу юзларини куйдириб олишади. Сўнг пойтахтдаги ота-онасига телефон қилавериб, квартира оламиз деб, қайнона-қайнотанинг яхши-ёмон кунига асқотадиган 3-4 молини сотириб, етмаса ота-онасидан олиб, эрлари билан шаҳарга қайтиб келган "ойимтиллалар" ҳам учраб турибди. Мақоладаги келинчакка айтар гапим бор. "Шаҳарлик қизман, мол тезаклари орасида қанақа қилиб юраман?" - дебсиз. Шуни оила қурмасдан олдин ўйлаш керак эди. Отангиз орзуси билан оила қурибсиз ҳам дейлик. Эрингиз сизни севса, тушунса, қайнона-қайнотангиз, фарзандингиз бўлса - сиз бахтлисиз. Инсон борки, бахтли кунларни кутиб яшайди. "Бугунги кунимдан эртанги куним яхшироқ бўлади", деб ният қилади, шунга интилади. Бахтли кунларни кутиш - баъзан ўша кунларнинг ўзидан анча тотлироқ бўлади. Иш қайсар ва кучли ҳайвондек гап. Шунинг учун қарияларимиз: "Ишнинг ўзини билма, кўзини бил", дейишган. Сиз уларни ўзгартираман деманг. Чунки ҳамманинг ўз қизиққан соҳаси бор. Ҳамма олиму фузало бўлиб кетаверса, подани ким боқади, боғни ким гуллатади? Нонвойни ким ун, ошхонани ким гўшт билан таъминлайди? Кийим-бошларни ювиб улгуролмайман дебсиз. Уларга алоҳида-алоҳида уст-бош ажратиб қўйинг. Ҳидли совунлар тутинг. Ахир ҳамманинг уйида вазият, шароит ўзгача-ку. Оилада 5 жон экан. Қайнона-қайнотага қарашнинг ўзи бир рўзғор бўлса, ёш болага қарашнинг ўзи бир рўзғор, эр, рўзғор, идиш-товоқ, пишир-куйдирларчи... Агар келин шуларнинг барчасини ўз вақтида уддалай олса, қайси эр унинг ишлашига қарши бўлади. Агар оилани каттакон "арава" деб оладиган бўлсак, аравани куёв у томонга, келин бу томонга тортса оқибати қандай тугайди? Иккаласи бараварига тортса-чи? Муроса билан мақсадга етишадилар. Келишиш билан низонинг олди олинади, чиқиша олишлик туфайли турли хил нохушликларга барҳам берилади. Оилавий муросадан умринг тинч ва мазмунли ўтади. Момомнинг гапи ёдимга тушди:

- Аввало уришма, уриш-жанжалли жойдан барака, файз кўтарилади. Агарда иш уриш-жанжалгача борса-икки юзинг билан уришма, биттаси ярашиш учун қолсин. Демак, уриш-жанжалнинг ҳам ўз қонун-қоидаси бор экан-да, яъни, "Уришсанг ҳам андиша билан уриш..."

Муҳтарам мухлис! Уриш-жанжал руҳиятни мажруҳ қилиб қўяди, инсонийлик ҳис-туйғуларини азоблайди. Яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам шу биргина оғиздан чиқади. "Сен" билан "сиз"нинг фарқи бор. Бир-биримизни "сиз-сиз"лаб, ардоқлаб яшайлик, омонат дунёда омон бўлайлик!

**Зебинисо ҒАФФОРОВА**

**Хурматли мақола муаллифи Азимжон Қосимов!**

"Яхшидан шарофат, ёмондан касофат" деганларидек, сиздек кўпни кўрган инсоннинг турткисига муҳтож эканларки, маслаҳатларингиз билан келин ўз ихтисослиги бўйича ишлашига турмуш ўртоғи рози бўлибди. Сиз орага тушмаганингизда, "мол тезагининг ҳиди анқийди"дан бошқа яна қанча гап-сўзлар чиқиб, оила бузилиб кетишигача бориши мумкин эди.

Бундан 7 йил аввал, мактабдан уйга қайтаман деб тургандим, бир тенгдошим келиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Сўнг қўлимдан ушлаб чеккароққа тортиб деди:

- Ёрдамингиз керак бўлиб қолди.

- Қўлимдан келса бажонидил, - дедим.

- Учинчи келиним ўғлимдан аччиқланиб, келмас бўлиб кетди. Дўстим, орага тушмасангиз бўлмайди. Бир набирам бор,- деди у.

Улов билан зумда келиннинг уйига бордик. Келинга ўтиринг, деб илтимос қилдим. Мен ётиғи билан муддони айтгач, келин йиғлай бошлади.

—Тушунаман, қизим, бир сенинг рўзғорингда эмас, ҳамма рўзғорда камчиликлар бор,-дедим. - Жон қизим, ҳам ўқувчимсан, ҳам келинимсан. Мактабда аълочи эдинг. Ҳаётда ҳам шундай бўлгин. Агар бугундан эътиборан, куёвдан камчилик ўтса, мен жавоб бераман. Сендан камчилик ўтса ҳам мен жавоб бераман. Иқтисодий жиҳатдан қўлдан келганича мен ҳам, мана буванг ҳам ёрдам берамиз.

Сен ҳам куёвинг билан чўлга ишга борасан. Муштни бир ерга урасизлар. 2-3 ойда ишларинг юришиб кетади. Қани, агар домламнинг ўқувчисиман, ишончини оқлайман десанг, сени куёвникига олиб кетаман.

Келинни куёвникига олиб бориб, аввал келин билан, кейин куёв билан яккама-якка гаплашдим. Иккиси ҳам бир-бирини тушуниш қийин кечаётгани ҳақида гапирдилар. Мен уларга сабр тиладим. Икки кундан кейин, улар чўлга отланди. Аввал пудратчи бўлди. Ҳозир фермер. Уч болали бўлиб, аҳил яшаб кетишди.

**Эргаш АТОЕВ**

Бир нотинч оиланинг муросага келганлигидан жуда хурсанд бўлдим. Мен ҳам 31 йил хотин-қизлар раиси сифатида кўп нотинч оилаларнинг муаммоларига аралашиб келдим. Ҳозир ўша оилалар келин-куёвли бўлишди. Ҳар икки томондаги қуда-андаларга куёв ва келинга алоҳида муомала қилиб муросага келтириш осон иш эмас.

Мақоладаги ҳар икки тараф бошидан келишиб олишмаган. Биз қалинроқ дўст бўламиз, дейишгану, лекин қишлоқ билан шаҳар шароитига эътибор ҳам беришмаган. Келиннинг хафа бўлганича бор. Аёл киши қанчалик озода бўлса, оилага шунчалик барака, аҳиллик ўз нурини сочади. Куёв боланинг мол-ҳоллари бор экан. У аёлим қарашмайди, деб жанжал чиқармай, бирорта бўш юрган ўсмир йигитчаларни фермага таклиф қилиб, ишлатса савоб иш бўларди. Шунда куёв ҳам жуда молхолга ўралашиб, ифлосланиб юрмайди. Келин ҳам севган ишига бориб, келаверади. Ҳақиқатан уйдан ҳид келиб турса, ҳар қандай инсон ҳам: "Ҳа, келин уйингни озода сақламабсан-да", дейиши мумкин.

Менинг ўртанча ўғлимда ҳам 4-5 та мол бор. Улар шундоқ молхона олдига ҳаммом қуриб қўйишган. Уст-бошларини иладиган хонаси бор. Махсус уст-бошларини кийиб, иши битганидан кейин ҳаммомда ювиниб, покиза бўлиб, тоза кийимларини кийиб олишади. Ҳеч қандай ҳид келмайди. Мол боқишнинг айби йўқ, қишлоқ жойларда албатта мол-қўй, товуқлар боқилади. Фақат озодаликни ҳам унутмаслик керак.

**Паттихон САМАДОВА,**
**Фарғона вилояти.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



Бувижонимиз ОЗОДАБОНУ!
Сизни табаррук ёшингиз билан табриклаймиз. Ҳаётингиз қувончли кунларга бой бўлсин.
Неварангиз Мунисаой.

Онажонимиз Гулчеҳа БЎРИБЕКОВА!



Таваллуд айёмингиз билан қутлаймиз. Бахтимизга соғ-саломат, умрингиз узоқ бўлсин. Фарзандларингиз камолидан қалбингиз қувончларга тўлсин.
Одина ва оила аъзоларингиз

Азиз укажоним МИРҚОБИЛ!
Сени таваллуд топган кунинг ва мучал ёшинг билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик, омад тилаймиз.
Ҳурмат билан яқинларинг номидан Дилнавоз Мирсалимова

Азиз дўстларим ЁРМУҲАММАД, АНВАР ва БАХТИЁРЖОН !
54 баҳорингиз муборак бўлсин. Умрингиз узоқ бўлсин. Етмаган орзуларга етишишингизда омад ёр бўлсин.
Дўстларингиз номидан Эгамберди Абдуллаев, Султонмурод Файзиев.

Ирисов Ўткир ТОШПЎЛАТОВИЧ!
30 ёшингиз муборак. Мартабангиз бундан-да улуғ бўлсин. Фарзандларингиз, рафиқангиз бахтига соғ бўлинг.
Қайнсинглингиз Умида.
Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани.

Азиз дўстимиз МАНСУР!
Сизни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Фарзандларингиз камолини кўриб юринг. Ҳаётингиз қувончларга тўлиб, сермазмун бўлсин.
Дўстларингиз Баҳром, Исроил, Акмал ва Ҳасан.

Қандли диабет, бўқоқ, гижжа, лямблия, витилиго, оқ доғлар, псориаз, соч тўкилиши, болалардаги бўй муаммоси. Натижали даволаш. Табиий гиёҳлар.
ТЕЛ: 317-81-15. Раъно ШОКИРОВНА
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН



«ЎКТАМХОН» замонавий ўқув маркази курсларга таклиф этади:

1.Тикувчилик - 3 ой. Бошловчилар 6 ой.
2. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт.
3. Тиббий массаж - 2 ой (амалиёт билан)
4. Торт ва пишириқлар - 2 ой.
5. Пишириқлар олий курс 1 ой.
6. Уйғурча таомлар ва салатлар - 1 ой.
7. Сартарошлик - 3 ой (аёллар учун.
8. Парда ва чойшаблар - 1 ой (амалиёт б-н).
9. Сартарошлик - 2 ой (ўғил болалар учун).
10. Каштачилик - 3 ой. (машинкада вишивка.
11. Инглиз тили - 3 ой.
12. Рус ва турк тиллари - 3 ой.
13. Бисер тикиш - 2 ой (яъни мунчоқ тикиш).
14. Компьютер сабоқлари - 2 ой якка тартибда. Интернет - 1 ой.
15. Бухгалтерия ҳисоби-2 ой.
16. Сунъий гул ясаш-2 ой.
17. Астарли костюм-плаш, пальто-1 ой.
18. Тўй ва оқшом либослари тикиш.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади. Ўқишга қабул ҳар куни.

Манзилимиз: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 125-97-93, 121-77-72, 21-17-95.

"ЗИЁ-НУР" ЎҚУВ КУРСИ:

- Бичиш-тикиш 6 ой ва 3 ой;
- Парда тикиш - 1 ой (амалиёти билан);
- Торт ва турли пишириқлар- 3 ой. 1 ой - олий курс;
- Ҳамширалик - 6 ой;
- Уйғурча таомлар- 1 ой;
- Оқшом либослари - 1 ой;
- Компьютер саводхонлиги - 2 ой;
- Массаж - 2 - ой;
- Бисер тикиш - 3 ой;
- Аёллар сартароши - 3 ой.

*Ўқишга қабул ҳар куни. Ўқишни тугатганларга диплом берилади.*

Манзил: Буюк ипак йўли, 123 - уй, 104 - хонадон. Мўлжал: метронинг "Буюк ипак йўли" бекати, "Саёҳат" меҳмонхонасининг ёнида жойлашган. Тел: 360-43-83 (иш тел. 8:00 дан 17: 00 гача) 22-73-73, 155-63-70 (Раъно)

## ПИЧОҚ — ЎҒИЛ

ТУШ таъбирномаси

Бундан бир неча йиллар илгари катта опам Малика фарзанд кутаётганида онам туш кўрибдилар. Тушларида опам стол устидаги пичоқни олишга ҳаракат қилар эмишу, ололмас эмиш, шунда ҳалиги пичоқ ерга тушиб кетибди. Онам анча вақтгача хавотирда юрдилар. Ой куни етиб опам фарзандли бўлди - ўғил! Лекин кўп ўтмай, у нобуд бўлди...

Амакимнинг қизи Азиза фарзанд кутаётганида мен бир туш кўрдим. У тушимда бизнинг ошхонамиздан пичоқ олиб кетибди. Мен бу тушимни бувижонимга айтиб бердим. Улар: "Ҳа, Азиза опанг ўғил кўрар экан-да", - дедилар.

Орадан бир неча кун ўтиб Азиза ўғил фарзандли бўлди. Демак, тушда ҳомиладор аёллар пичоқ олишса ўғил фарзанд бўлар экан...

**Назокат ҲАМРОҚУЛОВА,**
**Педагогика институти талабаси,**
**Тошкент.**

**Суҳбатдошимиз — Республикамиз неврология соҳасида ўз мактабини яратган машҳур олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Наби Мажидович МАЖИДОВ.**



# УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛСИН!

**— Наби Мажидович, кишиларга билдирадиган энг яхши тилакларимиз, "Умрингиз узоқ бўлсин!", "Юзга кириб юринг!"дир. Узоқ умр сирлари ҳақида фикр билдирсангиз...**

Соғлом турмуш тарзи аввало шахсий гигиеник ва психологик тадбирни - шифокорлар кўп урғу берадиган режимни ўз ичига олади. Лекин биз овқатланишда вақт ва микдорга аҳамият бермаймиз. Ичиш ва чекишда ўзимизни тиймаймиз. Ўсимлик мойига ҳали хам тўлиқ ўтмаганмиз. Тузни кўп истеъмол қиламиз. Аччиқ еймиз. Кам ҳаракатланамиз. Ҳолбуки айнан шулар мия қон томирларининг хасталанишини келтириб чиқаради.

**— Шунинг учун ҳам илмий ишларингизда қон томирлари хасталиклари профилактикасига кўп аҳамият берган экансиз-да?**

Кузатувларимизга асосланиб, хасталикни уч тоифага ажратиш мумкин. **Биринчи тоифада** хасталиқ сезилмайди. **Иккинчисида** кишилар соғлом бўладилару, бироқ уларнинг мия паталогияси томирларида дастлабки нохуш аломатлар қайд этилади. **Учинчи тоифада** эса бундай хасталик юз берган ва унинг тез авж олиб кетиш хавфи яққол кўринади.

Иккинчи тоифадаги профилактикада инсульт ҳолатига етмасдан аввал ўз вақтида клиник ва текширувлар қўлланмоғи керак.

Хасталик аниқ бўлган учинчи тоифада бемор ўзининг турмуш тарзини йўлга қўйиши, меҳнат ва дам олиш тартибига риоя қилиши, жисмоний ва руҳий чиниқиш билан инсультнинг олдини олади.

Психо-профилактик тадбирларга кишилар ўртасидаги ўзаро мулоқот маданиятини кўтариш ҳам киради. Можароли вазиятларга кўп парво қилавермаслик, босиқлик билан яшашга ўрганиш керак. Имкон қадар эътиборни кўнгилсизликлардан яхши нарсаларга қарата билиш, ўзни қўлга ола билиш, ўзини, ҳаракатини, сўзини идора эта билишга ўрганиш керак.

**— Стресс ҳолатлари кўп қайталаниши вақтида қунт билан даволанмаслик аксарият кишиларни мия инсульти, юрак инфаркти, қанд касаллигига олиб келади...**

Дадам: - Уйга олиб келмайсан,- дедилар. Ойим бечора кўчама-кўча юриб квартира изладилар. Баҳоси осмонда. Нима қилиш кераклигини билмай юрган кунларимда дадамга яна Оллоҳ инсоф бериб, ҳа хотин, бурунни сассиқ деб кесиб бўлмас. Уйга олиб келиб тиқ. Катта бўлса-бўлар, бўлмаса ўлар, - дебди. Ойим бечора севина-севина уйга олиб келдилар.

Уйга олиб келгандан кейин ҳаммасини рўйи-рост айтиб бердим. Сизнинг исмингизни айтдим. Ойим суриштириб тоғангизга маслаҳатга борибдилар. Тоғангиз "Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, у унақа йигит эмас. Оилали", дебди.

- Ҳа домла, оилали экан. Шунинг учун ҳам гап-сўз кўпаймай, ўша йигит билан иккаласини учраштирайлик. Нима гапligини билайлик. Ахир бу ишлар нозик масала-ку,- дебдилар ойим.

Ойим бечора уйга келиб, эшик тиқ этса ҳам қараб ўтирдилар. Дадамга:

- Бордим. Ўша тоғасининг олдига,- деганда дадам:

- Бекор борибсан,-дедилар. Ниҳоят кечга яқин икки томонингизда тан қўриқчиларингиз билан келдингиз. Бир томонда оилангиз, бир томонда онангиз, ўртада сиз ўтирдингиз. Онангиз "ҳовлидан уйга кирмайман", деб шанғиллади. Ойим сизларни иззат-икром билан кўрпачалар солиб кутиб олдилар. Онангиз яна бақириб, чақириб уйни бошига кўтарди. Онангиз бизни гапиртиргани қўймади. Ойимни роса талади. Ҳақорат қилди. Ойимни ёмон оналикда, боласига яхши тарбия бермаганликда айблаб: "Яхши қиз боқмагансиз, қизингиз ёлғондан боламга туҳмат қилган", деди. Ойим бечора: "Бу кунлар ҳеч кимнинг бошига тушмасин, балким бу бизга Оллоҳнинг берган синовидир", дея олди. Дадам айбни менга қўйди яна. Ҳа, мен айбдорлигимдан тонмайман. Негаки, бировнинг бахтсизлиги туфайли ўз бахтимни топа ололмаслигимга мана энди кўзим кеч бўлса-да, етиб турибди-да. Дадам мени чақиртириб:

- Мана айтган одаминг келди. Боланинг отаси шуми? - дедилар. Мен:

- Ҳа, шу киши, - десам, сизнинг кўзларингиз олазарак бўлиб, рангингиз оқариб кетди. Онангиз сапчиб туриб, яна бақира кетди:

- Дод, йўқ... Бу қиз бизга туҳмат қилаяпти. Айт, ўғлим, бу қиз сени, бизни алдаяпти-а? - деди. Сиз анча каловланиб-каловланиб тилингиз ҳеч нарсага айланмай қолди. Дадам яна сиздан сўради.

- Бу бола сизданми? - деди.

Сиз:

- Йўқ, мендан эмас. Сизни мен, мен!.. Ҳа...

- Гапир,- онангиз дўқ урди.

Хотинингиз:

- Менинг эрим унақа эркак эмас, - деб йиғлади.

- Хўп, сендан эмасми?

- Йўқ, мендан эмас...

Мен фақат яна сизга термулдим.

- Алишер ака, нега ёлғон гапираяпсиз? - дея олдим. Сиз менга қарай олмадингиз. Ерга қараб:

- Сизни мен ҳеч қачон мажбур қилмаганман. Бола мендан эмас, - дедингиз.

- Нега алдадингиз? - десам, яна онангиз ёпишди.

- Ана кўрдингизми, менинг боламга туҳмат қилманглар.

Ким-кимни талаши керак эди аслида. Кўзим ярқ этиб очилди-ю, энг катта, кечирилмас хатога йўл қўйганимни, эл ичида ота-онамни шарманда қилганимни, бахтимга ўзим зомин бўлганимни тушундим. Аммо энди кеч эканлигини билдим. Шунчалик аҳмоқ бўламанми-а, онам бечорага бир оғиз ҳам айтмайманми. Ахир у киши тўғри йўл кўрсатардилар-ку. Балким иш бу даражада чигаллашмасди. Қайси ота-она ўз фарзандини ўтга ташларди. Сиз эркакнинг ишини қилмадингиз, дадам тўғри айтдилар. Қайси эркак хотинининг олдида, "мен шу ишни қилдим", дейди. Ахир оилали бўлса... "Ҳа мен шу қиз билан юргандим", - дейдими? Сиз-ку қўрқоқлик қилдингиз. Боладан тонганга яраша, мени ҳам балчиққа ботириб, бўлар-бўлмас гапларни гапириб ҳақорат қилдингиз. "Фалон жойда ишлайман", деб ота-онамни алдадингиз. Кетаётиб, уччалангиз ойимга:

- Невараngизнинг отаси бошқа одам. Бошқа одамга туҳмат қилинг, - деб кетдингизлар. Хотинингиз бечора "Эримни сизга бермайман", деб зорланди, ялинди. Очиғи, унга раҳмим келди, у ҳам менга ўхшаган аёл-да, дедим. Унинг оиласи бузилмасин деб Оллоҳдан яна тиладим. Онангиз:

- Болани дўхтирдан ўтказинг,- деб туриб олди. Шунда дадам:

- Э, инсон, бола ҳали бир ҳафталик бўлса. Шу гўдакка қандай нина сингади. Хотин киши бўлсангиз ҳам раҳмингиз келмас экан. Анализ топшириш ҳали қочмас. Менинг сизни чақириб гаплашишдан мақсадим битта, у ҳам бўлса... Қизингиз борлигини билиб қўйинг. Эртага, "Отам ким эди", - деса мен ерга қараб қолмай деган эдим холос. Сиздан нафақа ҳам ундирмоқчи эмасдим. Бойлигингиз ҳали сизга буюрадими, йўқми уни Оллоҳ билади. Бола сиздан бўлиб туриб, сиз тан олмаяётган бўлсангиз, сизни Оллоҳга солдим. Бошқа чорам қолмади, - дедилар.

- Майли, солинг, майли солинг,- дедилар ойингиз.

Ёмонликка олсам, аслида мен ҳам болани кўтариб уйингизга бориб ўтириб олардим. Аммо бошимдан ўтган воқеаларга ўзим ҳам сабабчи бўлганим учун шу ишни қилмадим. Ўз боласидан тонган отани, ўғлининг қони оқаётган набирасидан юз ўгирган онангизни ҳам Оллоҳга соламан. Умридан бўлса катта қиз бўлганда: "Отам ким?", деса: "Отанг сен туғилмасдан бандаликни бажо келтирган", - дейман. Сиз, онангиз, хотинингиз - "бир балодан қутулдик", деб роса ширин уйқуда ётарсиз, бир дарддан фориғ бўлгандирсизлар. Аммо мени ҳақорат қилаётганингизда оз бўлса-да, виждонингиз қийналмадими? Агар бор бўлса ўша виждон сизда. Сизлар кетганингиздан кейин қизалоғимнинг юз-кўзларидан ўпдим, ҳали отасининг кимлигини билмай туриб тирик етим бўлганини сездими, ҳар ҳолда ўксиб-ўксиб йиғлади. "Мана, қизим, даданг сени тан олмади, қўй йиғлама», - дедим. Шарманда бўлишга бўлдим, аммо Оллоҳга шукрки, шу қизалоқни менга раво кўрибди. Ҳа, айрим инсонлар неча йил турмуш қуришади. Фарзанд кўрмай ажрашишади. Ёки фарзанд сақлаб олишади. "Фарзандимизни сақлаб олганимизни билишмасин", деб бошқа ерга кўчиб кетишади. Менга ҳам оғиз солишди. "Боласини боқмаса бизга берсин", деб. Яна дадам қарғасалар ҳам жонимга оро кирдилар. "Бу бола молмидики, бу бозор сотилмаса янаги бозор сотсак",- дедилар. Худога шукр, мен билан гаплашмасалар ҳам ўз уйимдаман, ота-онам бағридаман. Ойим менга қарашяптилар. Дадам "қизинг овқат едими?", деб сўраб турадилар. Алишер ака, бу дил изҳоримни ёзишга ёздиму, аммо сизга жўнатмайман. Шунчаки юрагимнинг тубида ётган аламларимни қоғозга кўчирдим.

***Қошлари қаро, кўзлари чарос сингилларим, аҳмоқлардан нари юринг, уларнинг ширин сўзларига учманг. Ота-онангизга ёлғон эртаклар тўқиманг. Сирингизни онангизга айтинг. Дунёда энг яхши сирдош она эканлигини унутманг...***

**Салимахоннинг дил изҳорини**
**Сабоҳат САМАДОВА оққа кўчирди.**
**Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Оқтепа қишлоғи.**

## Ханда

### ОТАСИНИНГ ТАРБИЯСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНДИМ

Мактабда ота-оналар мажлисида синф раҳбари бир онага:

- Опажон, болангизнинг тарбияси билан шуғулланмабсиз, хулқи яхши эмас, - деди.

- Азизим, бола тарбиясига мутлақо қўлим тегмади.

- Унда нима билан шуғулланасиз?

-Мен кўпроқ отасининг тарбияси билан шуғулланаман, - деди.

### ҚИЗИМНИ ШАЙТОН УРИПТИ

Бир қизни бир йигит қучоқлаб ўпаётган экан.

Қизнинг отаси келиб қолиб:

- Ҳой аҳмоқ, қизимни нима қилаяпсан? - депти.

Йигит отага қараб:

- Ота, мен дўхтирман, қизингизни ток урган экан. Нафас бераяпман. Худога шукр ўзига келиб қолди, - дебди.

Ота йигитнинг ёлғон гапираётганини билиб:

- Қизимни ток эмас, шайтон йўлдан урибди, - дебди.

### ЁЗУВЧИНИНГ ЎЛГАН ЙИЛИ

Бир студент адабиётдан имтиҳон топшираётган эди. Ёзувчининг туғилган кунини билди-ю, ўлган кунини эсдан чиқариб қўйди.

- Қачон ўлганини айтмайсизми? - деб сўради домла.

- Кечирасиз, домла, шундай ёзувчини ўлди, дейишга тилим бормаяпти. У барҳаёт, - деди студент.

### ХОТИНИМ БИЛАН ГАП ЕЙМАН

Мулла Табассумдан:

- Пулинг кўп бўлганда нима овқат ейсан? - деб сўрашибди.

- Палов, - деб жавоб берибди.

- Пулинг йўғида нима овқат ейсан?

- Хотинимдан гап ейман, - деби Мулла Табассум.

### ТЕЛЕГРАММА

Бир йигит бошқа шаҳарга ишга кетиб, икки йилда уйига икки марта телеграмма юборибди, мана биринчи телеграмма: "Ойижон, дадажон, уйланаяпман. Пул юборинг".

Мана буниси иккинчи телеграмма:

"Ойижон, дадажон, нафақа тўлаяпман, пул юборинг, пул!"

**Ҳайдар МУҲАММАД**

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

# ТУҲМАТ ТОШИ

Муаттар Буваматова товламачиликни сурбетлиги туфайли касб қилиб олганлардан. У ноҳақ бўҳтон уюштириб, мўмайгина пул соҳибасига айланишга уриниши билан бир бегуноҳ отани бевақт ўлимга олиб келишини хаёлига келтирмаган. Муаттар бу ҳатти-ҳаракати билан икки нафар фарзанднинг етим қолишида бош сабабчи эканлигини тан олмайди, олишни ҳам хоҳламайди. Жисмонан ожиза бўлса ҳам унча-мунча эркакнинг қўлидан келмайдиган ишга қўл урганлигидан "қаҳрамон" дегимиз келди.

Раҳматли Нурматжон Қобилов агар бошига ўлим тушишини билганида синглиси тенги Муаттархоннинг кирдикорларига қулоқ солмасмиди? Ёки унинг турмуш ўртоғи Маъмурахон Абдуҳоликова бевалик қисматига ёзилишини сезганида товламачи - "меҳрибон" ининг гап-сўзларига кириб, эрини терғаб, юрак касалига чалинтириб, ўлимини тезлатмасмиди?

Ҳамма ташвиш Нурматжоннинг туман марказий шифохонасининг асаб касалликлар бўлимига ётиб даволанишидан бошланди.

- Жавоб бўлишига бир кун қолганда, - дейди асаб касалликлари бўлими бошлиғи Сарварой Рафиқова, - бўлимимизга ўта оғир бемор олиб келинди. Шунда уни Нурматжон ака ётган хонага жойлаштиришга тўғри келди. Бориси бу палата интенсив, яъни жонлантириш хонаси эди-да. Нурматжон ака бу хонада тўққиз кун ётиб, соғлигини яхши тиклаб олганди. Шуни ҳисобга олиб, мен унга бир кун қўшни хонада ётиб туришни илтимос қилдим. У хоҳлар-хоҳламас рози бўлди. Асаб касалига чалинган беморлар одатда инжиқ бўлишади. Шу сабаб унга етарли шарт-шароит яратиб бердик. Бироқ бемор мен айтган хонага чиқишга чиқди-ю, аммо қолган бир кунга сабр қилмай, уйига бесўроқ кетиб қолди. Бу ҳақда мен бош шифокор ва унинг даволаш ишлари бўйича муовинини огоҳлантирдим. Яхшиямки, шундай қилганим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, яхшилаб "ишланган" собиқ бемор Нурматжон Қобилов турмуш ўртоғи Маъмурахон Абдуҳоликова билан менинг устимдан бошлиқларимга арз қилиб келишибди. Аммо талаблари ва билдирган эътирозлари мутлақо ноўрин эди. Шундай бўлса-да, бош шифокоримиз кўрсатмаси билан беморнинг орқасидан уйига бордим. Ундан такроран бўлимга ётиб даволанишни илтимос қилдим. Шунда уларнинг қитмирлиги бошланди.

Биз шифокорлар гўё уларга ялингандай бўлиб борганимизни гуноҳкорликка йўйиб, бўҳтон уюштиришга тушдилар. Бундай ноҳақ ишга раҳматли Нурматжон ака қўшилгиси келмасди. Учинчи бор бўлимга келганда, шахсан менга даволаганим учун кўп раҳматлар айтиб, ҳатто ўз хоҳиши билан миннатдорчилик хати ёзиб берганди. Шунда бўҳтончиларнинг раҳнамоси Муаттархон Буваматова опахони Маъмурахонни ишга солиб, Нурматжон акани ёзиб берган миннатдорчилик хати учун қаттиқ руҳий азобга солишади. Деярли ўттиз йилча бирга яшаган турмуш ўртоғи Муаттархонга қўшилиб оқни қора деб ёши элликдан ошган кишисини ҳақорат қилиб турганини кўргач, юраги кўтара олмади.

Шуни кўриб-билиб турса-да, Муаттар Буваматова Маъмурахон Абдуҳоликова билан товламачилик қилишни ташламадилар. Мендан икки юз минг, бош ҳамширамиздан юз минг сўм пул беришимизни талаб этди. Рози бўлмасак, телевидениедан мухбир чақириб, бўлим ва шифохонадаги нуқсонларни тасвирга тушириб, эл-юртга намойиш қилиш, ҳатто бош шифокор ва мени ишдан олдириб ташлаши мумкинлигини айтиб қўрқитдилар.

Шунда мен иш бор жойда камчилик, хато бўлиши табиий, деган ўйда қўрқмасдан тегишли ҳуқуқ идораларига мурожаат этдим. Уларнинг тузган пухта тадбири натижасида Муаттархон Буваматова ва унинг ҳамтовоғи Маъмурахон Абдуҳоликовалар мендан 50000 сўм пулни товламачи сифатида олаётганида жиноят устида қўлга олиндилар.

Ана ўшандан кейинги уларнинг ҳолатини кўринг. Улар бамисоли думи босиб олинган илон, ўзини қутқариш учун қандай чиранган бўлса, шундай ҳамлалар ҳам қилдики, асти қўяверасиз! Беҳисоб туҳмат тошларини отишди. Шаънимизга нималарни тўқимади. Қанча-қанча мағзаваларни ағдармади, дейсиз.

- Эри даволанаётганида соғлиги беш-олти кундаёқ яхшиланганини кўрган Маъмурахон опа хурсанд бўлганидан иш столим ғаладонига мажбурлаб солиб қўйган қиймати 1-1,5 (бир-бир ярим) минг сўмлик рўмолини порага олган деб айтди, - дея сўзида давом этади жабрланувчи С.Рафиқова. - Ўз хоҳиши билан шундай қилган аёл кейинчалик товламачининг талаби билан ишни бошқа томонга айлантириб юборди.

Буларнинг барчаси туҳмат, ёлғон ва уйдирмалиги охир-оқибат ҳар иккаласининг бошига шунчалар кулфатлар ёғдирдики, буни таърифлашга тил ожизлик қилади. Нурматжон акани қаттиқ сиқувга олишганидан, айниқса иши судга оширилганлигини билиб, тавқилаънатни кўтара олмаслигига ақли етиб, юраги дош беролмай, омонатини топширди.

Юқоридаги кўргулик битта Маъмурахонни бошига тушмади. У Муаттархонни ҳам четлаб ўтмади. Бандаи ожизларнинг дилини ноҳақ оғритгани сабаб унинг туғишган укаси Жобирбек Буваматов автоҳалокатга учраб, ўлиб кетишига бир баҳя қолди.

Судланувчиларнинг ҳар иккаласи ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Жиноий Кодексининг 165-моддаси 2-қисми "в" бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилдилар. Чунки улар шифохонада бўлиши мумкин бўлган камчиликларни телевидение орқали намойиш этиш билан шарманда қилиб, ҳатто ишдан ҳайдатиб юборишгача олиб бориш билан қўрқитиб, жабрланувчини мулкий йўсиндаги ҳаракатларни содир этишга мажбур қилиб, катта миқдорда пул беришни талаб этишган. Кўп ейман, деб оздан қуруқ қолиш, деб ҳар иккала аёлнинг аччиқ қисматига айтса бўлади. Муаттар Буваматова ҳукмга кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари, унга елкадошлик қилгиси келган Маъмурахон Абдуҳоликова 65800 сўм жарима тўлаш жазосига тортилдилар.

Бир қарашда қилинган тажовузга (ҳаётга бўлмаса ҳам), товламачиликка нисбатан қўлланилган жазо чораси енгилдек туюлади.

Уларга жазо тайинлашда аёллиги, қарамоғида фарзандлари борлиги, қолаверса, Маъмурахон Абдуҳоликованинг турмуш ўртоғи вафот этганлигини эътиборга олинди. "Судланди", деган лаънатли тамға улар шаънига битилди. Энг ҳунуги шу.

Истардикки, бундай ноҳуш қилиқдан энг аввало "қаҳрамон"ларимизнинг ўзлари, қолаверса, шу ниятда юрганлар тегишли хулоса чиқаришса айни муддао бўларди.

**Муҳиддин БОЙУЗОҚОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Учқўрғон туман суди раиси.**

**Аскарали МАМАТОВ,**
**журналист.**

# ГАПНИНГ ФАРҚИ...

"Гапдан гапнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор", - дейдилар. Ҳозир Мавлудахонларникида меҳмондорчиликда 20-30 га яқин ёшу қари хотинлар, қизу жувонлар ясатиғлиқ дастурхон атрофидамиз. Бир-биримиз билан ҳол-аҳвол сўрашиш бошланди.

- Насибахон, эсон-омон юрибсизми, ўғил-қизлар саломатми? Набиралар кўпайишибди, муборак бўлсин.

- Шукр, раҳмат, ўзингиздан сўрасак...

Навбат Холбувига келди:

- Ҳай, Офтоб опа, - деди у кўзларини лўқ қилиб, - сизни кўрадиган кун ҳам бор экану. Муни қаранг-а, тавба, ана кетади, оғирлашиб қолди, деб эшитамиз, уйдагилар питирлашиб қолишибди, опамиздан айрилиб қоламиз шекилли, девдик. Худога шукр, бош кўтарибсиз, одамзот ризқи узилмаса яшайверади...

Офтоб опа аввалига мулзам бўлиб анграйди, ҳеч нарсани идрок қилолмади. Холбуви эса яна нималардир деди. Лекин Офтоб опанинг қулоқларига гап кирмай, чиппа битиб қолди. Энди ҳўпламоқчи бўлган бир қултум чойи томоғида тошга айланди, нафасини бўғди. Ўтирганлар "ялт" этиб унга қараб қўйишди. Бетоб бўлгани рост, аммо асло оғирлашиб қолмаганди. У нима дейишни билмай ерга қаради. Ранги оқариб, юраги бежо ура бошлади.

Холбуви эса навбатдаги аёл билан сўраша кетди:

- Нима бало, нина ютган итдек этинг устихонингга ёпишибди, сингилжон. Қозонни сувга ташладингми?

Аёл, "сенга нима!" дегандек жавоб бергиси келмади.

Ўтирганларнинг энсаси қотиб, унга нафрат билан қарай бошлашди.

"Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб", деб бекорга айтишмас экан-да. Шу пайт хонадон соҳиби: "Холбуви опа, сизни қизингиз чақираяпти, қаранг-чи", деб имлаб чақирди. Холбуви ташқарига чиқдию ҳовлидан овози эшитилди: "Ҳа, пакана ўлгур, ўт тушдими?! Нима дейсан, ит ўлгур! Бир пас ўз ҳолимга қўясанларми-йўқми, шумтакалар!"

Қизи нимадир деган эди, йўл-йўлакай "баттар бўлмайдими", деб вайсай-вайсай югуриб чиқиб кетди. Меҳмондорчиликда ўтирганлар енгил нафас олишди. Ҳазил-ҳузул, беғубор гурунг бошланди.

**Муҳаббат ТУРОБОВА**


Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари


# ЛАКЛАНГАН СТОЛ...

Асли чўл қишлоғидан бўлган Рўзибой ака ўқиш ва хизмат юзасидан шаҳарлик бўлиб қолганлардан. Раззоқ тоға пойтахтда ўқиётган фарзандларини кўриш учун қуруқ қўл билан эмас, албатта бир қўйни сўйиб, озроғини тандир кабоб қилиб, қолганини хомлигича келтирди. Қишлоқ шароитига хос самимийлик ва тавозе билан меҳмон кутилди. Лаганда шўрванинг гўшти алоҳида келтирилди. Шубҳасиз, илик меҳмонга тортилди. Суякнинг гўштини еб, ичидаги илигини қоқиб ейиш қишлоқликларга хос бўлган одат. Тоға суякнинг қиррали томони билан столга урган эди, илиги чиқмади. Яна қарсиллатиб тушура бошлади.

Эсхонаси чиқиб кетган жиян Рўзибой ака Раззоқ тоғага: "Ҳозир тахтача ёки капгир келтириб бераман", дейишига қарамай, "Бизга бўлаверади", деб лакланган қимматбаҳо столга суякни ураверди.

Эр-хотин бир-бирига маъноли қарашар, охири хотини бунга чидаб тура олмай, ошхонага чиқиб кетди. Бироздан сўнг орқасидан Рўзибой ҳам чиқди. Эрининг ҳай-ҳайлашига қарамай, келинчак Раззоқ тоғага эшиттириб шунақа гапларни айтдики, натижада Раззоқ тоғанинг дили сиёҳ бўлди. Уларникида турган фарзандини олиб, чўнтагидан бир боғлам пулни стол устига ташлади ва бошини сарак-сарак қилиб, чиқиб кетди.

Азиз газетхон! Мен бу ерда Раззоқ тоғани бефаросатликда айблаётганим йўқ. Фаросат нозик хислат эканлигига мисол келтирдим холос. Соддадил инсоннинг юқоридаги озгина эътиборсизлиги мезбонни хижолатга солиб, дилсиёҳлигига сабаб бўлди. "Билмасдан қилгандир-да", дерсиз? Агар Раззоқ тоға зийраклигини ишга солиб, фаросатнинг кенг имкониятларидан фойдаланганда бундай кўнгилсизлик содир бўлмасди. Чунки фаросат хислатлар шоҳи эмасми?..

**Зебунисо ҒАФФОРОВА**

# ЎРИНДИҚ

Ҳабиба паст бўйли, чиройли қиз. У кўпинча кўча эшиклари ёнгинасидаги тахта ўриндиқда онаси билан гаплашиб ўтирарди. Онасининг юзлари докадек рангпар бўлиб, сўрашгани борганимда у бошини базўр силкиб қўяр, қарашлари ғамгин эди. У оламдан ўтгандан сўнг Ҳабиба кўринмай қолди. Аммо бир куни ўриндиқда Ҳабибанинг ёлғиз ўтирганига узоқдан нигоҳим тушди. У кўм-кўк либосда эди. Ҳабиба менга ушбу ҳикояни сўзлаб берди.

- Онамнинг маъракаларини йиғлаб-сиқтаб ўтказдик. Шундан сўнг бир куни отамнинг уруғлари ҳовлимизга йиғилишди. Амакиларимга чой олиб келаётганимда Абдурасул амакимнинг салмоқлаб айтаётган сўзлари қулоғимга чалинди.

— Рангпарнинг боласи ҳам рангпарда,- деди амаким ўзига хос бўлмаган оҳангда. - Қизинг ҳам бир куни онасига ўхшаб бошингга бало бўлади. Шунинг учун вақтни ўтказмай Тожига уйлан.

- Онасининг тупроғи ҳали совумаган-ку. Қизимнинг юзига қандай қарайман,- бўшашиб жавоб қайтарди отам.

- Бунча қизимладингиз, ака? - Зумрад аммамнинг овози эшитилди. - Ана, бувиси тирик, ўлмаган. Ариллаган тоғалари бор. Ҳайдаб юборинг, ўраб-чирмаб узатар, ўзига ўхшаган биттасига...

Азбаройи изтиробга тушганимдан, қўлимдаги чойнак тушиб кетиб, қайноқ чой оёғимга сачраганини ҳам сезмасдим. Ортга шарт ўгирилганча бувимнинг уйига жўнадим. Чойнак синганини эшитиб чиққан отамнинг чақиргани ҳам боққим келмасди. Бувижонимга ҳамма-ҳаммасини айтиб бердим... Бугун тонгда онажоним тушимга кирибди. Яна бироз мен уни энг азиз ўриндиқда ўтираман-да, ортимга қайтаман...

Ҳабиба бувисининг уйи томонга кетди. Наздимда, Ҳабиба учун қадрдон ўриндиқ ҳам букчайиб қолгандек туюлди. Инсон кўтара олмаган андуҳга тахта ўриндиқ бас келармиди?

**Усмон БЕК, Паркент тумани.**

# КЛИМАКС ЯНГИ ҲАЁТ ОСТОНАСИДИР...






Климакс даври асосан 45-50 ёшдаги аёлларда кўпроқ учрайди. Бу - тухумдонлар фаолияти ҳамда эстроген жинсий гормонлар ишлаб чиқаришнинг пасайиши билан боғлиқдир. Климакс ҳайз кўриш жараёни аста-секинлик билан тугашининг белгисидир. Чунки, ёш ўтгани сайин марказий асаб тизими ва эндокрин безларининг ишлаш фаолияти бузилади. Климакс жараёни икки даврга бўлинади. **Биринчи**сида ҳайз кўриш муддати ўзгаради. Ҳайзнинг камроқ келиши, вақтининг ўзгариши ёки қон кўп кетиши мумкин. **Иккинчи** даврида эса ҳайз келиши бутунлай тўхтайди.

Климакс даврини қуйидаги белгиларига қараб билиш ва даволаш мумкин.Бу ёшдаги аёллар ўз-ўзидан, сабабсиз асабийлаша бошлайдилар. Уларда жиззакилик, йиғлоқилик, ваҳимага тушиш, уйқунинг бузилиши, бош айланиши, бирданига исиб кетиш ва бадандан тер қуйилиши, юракда оғриқ пайдо бўлиб, унинг уриши тезлашиши ҳолатлари пайдо бўлади. Бу жараённинг асоратлари хавфли бўлиб, айрим аёллар климаксни жуда оғир ўтказишади. Шу боис климаксни турли дармондорилар, оғир ҳолатларда эса эстроген гормонлар билан даволашади.

Аёллар климакси 3-5 йилгача давом этиб, 50-55 ёшга бориб тугайди. Айрим аёлларда бу давр силлиқ кечиши мумкин. Аммо, 30 фоиздан кўпроқ аёлларда бу жараён оғир кечади.

Климакс турли ёшда ва наслий бўлиши ҳам мумкин. Онаси неча ёшда климакс бўлса, қизларида ҳам шу ёшда қайтарилиши кузатилган.

Баъзи аёллар климаксни унча жиддий ҳисоблашмайди. Ваҳоланки, бунинг оқибатида невроз, юракда, айниқса, асаб тизимида хавфли ўзгаришлар юз бериши эҳтимоли бор. Кўп аёллар ҳайз қони бир йилгача келмаса, климакс даврини ўтди, деб ўйлашади. Бироқ бу танаффусдан кейин кўп қон кетиш ҳоллари юз беради. Бу эса жинсий аъзоларда турли хавфли шиш ва ўсмалар борлигидан далолат беради. Шунда айлларга гормонларни меъёрлаштирадиган "Фемостон", "Дефостон" каби дорилар белгиланади. Онкогинекологик текширувиэса нима учун қон кўп кетаётганлигини аниқлаб беради.

Аёллар 40 ёшдан кейин йилда икки марта гинеколог ва йилда бир марта онколог текширувидан албатта ўтиб туришлари лозим. Чунки, кўпинча бу кечикишлар жиддий касалликлар, кўпроқ ўсма шишлари пайдо бўлишига олиб келади. Климакс пайтида асабларнинг қаттиқ зўриқиши эса кейинчалик мияда хавфли шишлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

## АЪЗОИ-БАДАНГА ТЕР ҚУЙИЛИБ, ЮРАК ЎЙНАСА...



Тик турган ёки ўтирган ҳолатда қўлларингизни тўғри тутиб, бошингиз узра 4-5 минут давомида кўтариб туринг.

Тоғорага иссиқ сув қуйиб, 2-3 минут давомида оёқларингизни солиб ўтиринг. Агар сизга иссиқ ванна мумкин бўлмаса, совуқ сув билан тозаланинг, яъни клизма қилинг. Бунинг учун бир стакан қайнатиб совутилган сувга ярим чой қошиқ 6 фоизли ичимлик сиркаси ва бир чимдим-туз аралаштирасиз.

Ҳар куни қуйидаги доривор ўтлар дамламасидан ичиб туринг.

Бир ош қошиқ мингбарг(тысячелистник), ярим стакан қулмоқ ғуддачалари (хмел),чақиртиканак (расторопша), икки ош қошиқ дўлана гуллари, чучукмия(солодка) ўтларини яхшилаб аралаштирасиз. Бу аралашмадан икки ош қошиқ олиб, устига бир литр қайноқ сув қуясиз. Уни сузиб олиб, асал аралаштириб истеъмол қилинади.

# ОВҚАТГА АҲАМИЯТ БЕРИНГ

**Климакс билан бирга аёлларнинг танасида дам олиш даври бошланади. Яъни, аёллик гормонлари эстрогенлар ишлаб чиқариш борган сари камая бошлайди. Танада эса шу давр билан боғлиқ анчагина ўзгаришлар пайдо бўлади. Шу боис танага алоҳида ғамхўрлик талаб этилади. Тўғри овқатланиш танага қувват бағишлаб, унинг ёш ва соғлом бўлиши, ҳаёт завқини суриши учун ёрдам беради.**

### ЭЪТИБОР ҚИЛИНГ!

Табиий маҳсулотлардан тайёрланган егуликлар ҳар қандай ёшдагилар учун ҳам фойдали. Аммо климакс даври бошланиши билан истеъмол қилинаётган егуликларнинг сифатига кўпроқ эътибор бериш лозим. Айниқса климакс даврига бўлган 5-7 йил ичида нима еийлгани кузатилади. Чунки айнан ана шу даврда танадаги гормонлар ўзгаради. Бу эса илгари сезилмаган касалликларнинг қўзғалишига сабаб бўлади.

Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, бу даврда фойдали моддалар ва дармондориларни сўриб олиши керак бўлган шиллиқ қаватлар емирилади. Шу боис ичаклар ҳамиша тозаланган бўлиши керак. Шундай экан кўпроқ хом сабзавотлар еийлиши шарт. Чунки пиширилмаган сабзавотлар турли микроэлемент ва дармондориларга бой бўлиб, улардан кўпроқ еийлса ичакларнинг яхши ишлашига ёрдам беради. Ўсимликларнинг таркибида оқсиллар кўп бўлгани учун у ошқозон ва ичаклардаги хилтларни худди супургидек супуриб ташлайди. Ичакларни тозалашда уннинг кепаги ҳам ёрдам беради. Кепак, бўтқа ва салатларга бир ош қошиқдан солиб еийлади. Кўпроқ кепакли ундан тайёрланган нон истеъмол қилинади.

Фақат тузнинг миқдорини камайтириш лозим бўлади. Чунки тузли таомлардан кўп еийлса танада суюқликни кўпайтириб қон босимининг ошиб кетишига сабаб бўлади. Туз ўрнига турли зираворлар ишлатиш мумкин. Қуюқ чой, қаҳва ва қайноқ ҳолда ичилган ҳар хил ичимликлар бош оғриғини қўзғатади. Уларнинг ўрнига илиқ ҳолдаги доривор гиёҳлар дамламаси ёки малина, олча меваларининг ва сабзавотларнинг янги сиқиб олинган шарбатларидан кўпроқ ичиш тавсия этилади.



Шу билан бирга холестериннинг танада кўпайиб кетиши ҳам қон томирлари деворларида тиқилмалар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бундан кўриниб турибдики ёғлар ҳам танага жуда керак, лекин унинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди.

Шуниси маълумки, қондаги холестерин миқдорини ҳайвонларнинг ёғи ошириб юборади. Лекин ёнғоқ ва ўсимлик ёғлари танадаги холестерин миқдорининг меъёрлашишига ёрдам беради. Балиқ ёғи ҳам қон томирларидаги тиқинларни очгани боис кўпроқ балиқ еийш фойдали.

Товуқ ва гўштнинг ёғи унчалик фойдали эмас. Улар қон таркибини бузади. Зарарли моддаларга тўйинган ёғ хона ҳароратида ҳам эримайди. Фойдалилари эса хона ҳароратида эриб кетади.

### ЁҒЛИ ТАОМЛАР ФОЙДАЛИМИ?

Аёллик гормонлари-эстрогенлар холестериндан иборат бўлиб, ёғ тўқималари бу гормонларни танадан чиқармасдан сақлаб туради. Шунинг учун таомномадан орасидан ёғли таомларни чиқариб ташлаш ҳам мумкин эмас. Холестериннинг кўп қисми асосан ёғдан ишлаб чиқарилади.

Умуман олганда танага ёғ керак, лекин меъёрида бўлсагина унинг фойдаси бор. Шуни унутмаслик керакки, қиздирилган ёғларда тана учун зарарли бўлган канцероген моддаси пайдо бўлади. Шунинг учун ўсимлик ёғлари танага салатлар ва бошқа таомлар билан қиздирилмаган ҳолда тушиши керак. Холестерин миқдори ошиб кетмаслиги учун бир ҳафтада 1 ёки 2 дона тухум еганингиз, гўштни эса бир ҳафтада икки марта истеъмол қилингани маъқул. Дудланган гўшт, колбасаларни таомномадан умуман чиқариб ташлаш керак бўлади.

### СУЯКЛАРГА ЁРДАМ

Суякларнинг мўртлашиши (остеопороз) аёлларда қондаги эстроген моддаларининг камайиб кетиши натижасида пайдо бўлади. Агар вақтида тўғри овқатланиб, танангизга вақтида кальцийни кўпроқ ғамлаб олган бўлсангиз яхши. Агар бунга эътибор бермаган бўлсангиз ҳали ҳам кеч эмас.

Баъзи аёллар ўйлаганидек кальций фақат сут ва сут маҳсулотларида эмас, балки пишлоқ, селдер, петрушка ва ёнғоқда ҳам кўп. Айниқса, эчки сутини кўп ичиш фойдали. Кальций моддаси сабзавотлардан карам билан сабзи шарбатларида кўп бўлади.

Кальций ва бошқа фойдали моддалар қонга сўрилиши учун ичакларни вақти-вақти билан хилтлардан тозалаб туриш зарур. Шунингдек, қуёшли кунларда кўпроқ сайр қилиш кальцийнинг танага сўрилишини таъминлайдиган Д дармондориси ишлаб чиқаришини унутманг.

### ЯШАШДАН ЗАВҚЛАНИНГ!

Климакс даврини бошдан кечираётган аёлларда кайфият ва асабларнинг бузилиши табиийдир. Бундай ҳолатларда тўғри овқатланиш ёрдам беради. Шунинг учун аввало банан, қовун, кайфиятни кўтарувчи маҳсулотлардан истеъмол қилиш тавсия этилади. Уларнинг таркибида асаб тизимини яхшилайдиган магний моддаси бор. Магний ёнғоқ ва писта мағизида ҳам етарли. Шунинг учун баъзан кечқурун хотиржам ўтириб писта чақиш ҳам асабни тинчлантиради. Асаб тизимини тўғри даволаш учун В дармондориси зарур. У эса донли маҳсулотлар, кепакда мавжуд. Донли маҳсулотлар, гречиха ва сулидан тайёрланган таомлар, айниқса ёнғоқ климакс давридаги аёллар учун бебаҳо озуқадир. Кунига 100 грамм ёнғоқни бошқа озиқ-овқатларга аралаштирмай еган аёллар ўзларини яхши ҳис этадилар. Таркибида оқсил, ёғ, дармондори ва микроэлементлар бўлгани учун тана бу фойдали моддаларни тезда сўриб олади.

## АЁЛЛАР УЧУН ФОЙДАЛИ МАҲСУЛОТЛАР

● 120 грамм бодринг шарбати 20 грамм сули ёки буғдой ёрмасига аралаштирилади. 10 дақиқадан сўнг эса 80 грамм майдалаб тўғралган бодринг, 30 грамм янчилган ёнғоқ ёки кунгабоқар мағизи, 15 грамм асал ва 1 ош қошиқ ўсимлик ёғи қўшилади. Бу мазали ва фойдали аралашма кайфиятни кўтариб танага қувват бағишлайди.

● 70 грамм сабзи майда қирғичдан чиқарилади. 1 ош қошиқдан асал, ўсимлик ёғи, таъбга қараб лимон шарбати ёки қатиқ қўшилади. Турп ва 1 ош қошиқ янчилган ёнғоқ аралаштирилгач, истеъмол қилинади.

● 1/4 стакан малина шарбатига 3/4 стакан совуқ сут, 2 чой қошиқ асал ва бир бўлак муз қўшилиб ичилади. Бу аралашма гормонлар, кальций ва дармондориларга бой.

● Кичкроқ балиқдан бир нечтасини тозалаб, туз ва мурч сепинг.2 дона пиёзни тўғраб кўкатлар билан аралаштиринг. Сабзавотларни майда тўғраб, балиқларга сепиб чиқинг-да, пергамент қоғозга ўранг. 25 дақиқа духовкада тургач, олиб устига пиёз ва зиравор сепиб истеъмол қилинг.

Духовкада сабзавот ва зиравор қўшиб пиширилган балиқ ҳориган танага қувват бағишлайди.

**ДИЛБАР ва ХАМИДА** тайёрлашди.

# МЕНГА ҚАЙНОНА КЕРАК!

**72** **70 ёшли** қайнотам бор. Қайнонам вафот этганлар. Бир куни қайнотам мени чақириб: - Ҳозир куч-қувватим бор. Ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтожлигим йўқ. Аммо, вақти келиб бошим ёстиққа тегса, биропта тан маҳрам керак бўлади. Шундай аёл бўлса, мени уйлантириб қўйсангизлар, - дея маслаҳат солди.

Шу боис у кишининг илтимоси билан таҳририятга мактуб ёздим. Онамиз ўрнига бир аёл келса, асло кўнглини ўкситмас эдик. Оқ ювиб, оқ тараб хизматини қиламиз. Шундай аёллар бўлса манзилимиз қуйидагича:

**Жиззах вилояти, Зафаробод тумани, Ибн-Сино кўчаси, 6 -уй, 1 хонадон.**

**Абдуалимов Ашурбой**

**73** **Ёшим 28 да.** Асли Тошкент шаҳриданман. Ажрашганман. Тадбиркорлик билан шуғулланаман.Моддий томондан таъминланганман. Уй-жойим бор. Тошкентлик, 25 ёшгача бўлган, чиройли, сарвқомат, ораста ва оқила қизга уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Сардорбек.**

**74** **32 ёшдаман.** Тошкентдаги яхши бир оиланинг фарзандиман. Травматолог бўлиб ишлайман. Уйим-жойим бор. Жиддий сабаб билан оилам бузилган. 26 ёшгача бўлган, хушрўй, ўқимишли, ораста, иболи бир қиз билан танишиб файзли оила қуришни истайман.

**Манзилим таҳририятда**

**Камолиддин**

# ЧИРОЙЛИ БАХТ БЕРСИН...

**75** Опамнинг қизи Гулруҳ жуда гўзал, жиддий, чевар, нозик дидли ва уддабурон қиз. Келинчакларнинг сочларини маромига етказиб турмаклайди. Маҳалласидаги ишхонасига онаси билан бориб келади. Оллоҳ қизларга чиройли чеҳра эмас, чиройли бахт берсин экан! Бир оиланинг саришта бекаси бўла оладиган жиянимизнинг **28 ёшда** ҳам бахтини топмаганига куямиз. Ажрашган бўлса ҳам ,касбли, уй-жойи бор, 35 ёшгача бўлган бир эркак бўлса узатган бўлардик!

**Шаҳноза**

**76** Эримнинг вафот этганига 6 йил бўлди. 5 яшар ўғлим билан онамникида яшайман. **Ёшим 28 да.** Нуфузли ташкилотда ишлайман. Қўлимдан рўзғор ишлари келади. Дугоналаримнинг таърифича кўринишим ҳам чакки эмас. Ҳаётнинг оғир-енгилини тушунадиган, оиласига содиқ, касби, уй-жойи тайин эркак бўлса оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Содоқат, Тошкент**

**77** **Ёшим 34 да.** Кўқонлик бўлсам ҳам анча йилдан буён Тошкент шаҳрида яшаб, шу ерда савдо-сотиқ билан шуғулланаман. Уй-жойим бор. Моддий томондан камчилигим йўқ. Оилани қадрлайдиган, жиддий, 25 ёшгача бўлган бир қиз билан (қайси вилоятдан бўлишининг аҳамияти йўқ) танишиб оила қуришни истардим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Назарали**

**78** Тошкент шаҳриданман. **Ёшим 32 да.** Ажрашганман. Бир аёлга хос бўлган барча юмушларни қойиллатаман. Фарзандим йўқ. Касбли, уй-жойли, олижаноб бир эркак бўлса турмушга чиқиб мустаҳкам оила қуриш ниятида эдим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Афрўза**

**79** **Ёшим 35да.** Илмий иш қилиш билан бирга кутубхонада ҳам ишлайман. Турмушга чиқмаганман. Намозхонман. Талабалар ётоқхонасида яшайман. Кўринишим ҳам жойида. Қаерлик бўлишига қарамай, юраги тоза, ичмайдиган, чекмайдиган, ҳалол эркакка турмушга чиқмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Салима, Қашқадарё вилояти**

## ДИҚҚАТ!

Газетамизнинг "Қайда ўзи ўша бахт?" рукни орқали ўз танишув эълонларини чоп этмоқчи бўлганлар қуйидаги қоидага амал қилишлари керак!

Яъни, ҳар бир киши турар жойидаги алоқа бўлимига бориб номига абонент яшиги очади. Шундан сўнг таҳририятга йўлланадиган мактубга паспорт нусхаси билан бирга абонент яшиги рақамини ҳам кўрсатиб ёзиб юборади. Эълонлар эса абонент рақами билан қўшиб чоп этилади.

Танишмоқчи бўлганлар ўша абонент рақами эгасига мактуб ёзиб, шу орқали бир-бирлари билан танишадилар.

Таҳририят бир-бири билан танишмоқчи бўлганларга воситачилик қилмайди.

**БАСИРА тайёрлади.**

**ТЕЛ: 133-04-50**

*О, муҳаббат...*

# МАНГУ ҚАЛБИМДА У...

**(Охири. Боши ўтган сонларда)**

У, ҳозир кимнинг олдидан ёки ким билан учрашиб қайтиб келаяпти экан!!! Ичим тирналиб кетди...

Автобусдан тушадиган манзилимиз ҳар галгидай бир эди. Мен орқа эшикдан, у олд эшикдан тушдик. «У қиз» шошилиб кўчанинг у томонига ўтиб олди-ю, кўйлагининг этагини ҳавода ҳилпиратиб, тротуар бўйлаб узоқлашиб кетди. У кўзимдан ғойиб бўлгунча ортидан узоқ, аламли қараб қолдим...

Шу куни кундалик дафтаримга: «Бу – бизнинг ихтиёримизсиз бўлган тасодифий учрашув охирги учрашувимиз бўлади. Биз бундан кейин ҳеч қачон учрашмаймиз. Йўлларимиз ҳам, автобусларимиз ҳам бир бўлмайди!» деб ёзиб қўйдим. Уни топиб берган кўнглим аламзада ҳолатда менга ана шу сатрларни айтиб туриб ёздирган эди. Кейин билсам, уни топишда янглишган қалбим йўқотишда янглишмаган экан. Шундан сўнг уни тасодифан бўлса ҳам кўришга муяссар бўлмадим. Кунлар, фасллар, йиллар ўтди, аммо унинг ёди билан нафас олишим ўтмай қолди! Ҳамон у билан тушларимда ёнма-ён ўтириб чой ичаман!

Хуллас, автобусда топган эдим, автобусда йўқотдим ... Учирган бахт қушим бошимга ҳам, бағримга ҳам, қалбимга ҳам бир зум бўлса-да қайта қўнмади...

* * *

Ёшлигимизда кўча-кўйда уни тасодифан бўлса-да кўриб қолганимда таниган бўлардим, албатта. Аммо ёшимиз улғайгач йўлларимизда рўбару келиб қолган бўлсак, афсус, танимай қолган бўлишим мумкин, тағин билмадим... Бироқ қаддибасти, юз-чеҳраси унга ўхшаб кетадиган аёллар билан бирон ерда рўпара келиб қолгудай бўлсам, ҳамон юрагим орзиқиб кетади. Юрак ўйноғида зимдан уларга разм соламан... Лекин шу вақтгача бирон марта ҳам Муяссархонни учратганим йўқ. Гўё у Тошкентдек азим шаҳардан кўчиб кетгандай... Қидириб топишга эса жазм қила олмадим. Чунки мен ўз оилам билан бахтли эканман, у ҳам ўз оиласи билан масрур ҳаёт кечираверсин. У бунга ҳақли...

Ҳақ гапни айтганда, ёшлик муҳаббатимиз ёш қалбларимиз қабрига кўмилган экан, уни безовта қилишга на ҳожат!...

***Эпилог ўрнида***

*Азиз ўқувчим!*

Мўъжаз бир ҳаётим тажрибасидан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, ёшларнинг келажакда қанақа одам бўлишини, ниmaларга қодир инсон бўлиб етишишини ижтимоий келиб чиқишига боғлаб бир хулосага келиб бўлмас экан. Тўғри, бу – ниҳоятда оғир масала. Шундай эса-да, жиддий ўйлаб иш қилинса, бахайр бўлиши мумкин экан. Мен дастлаб яхши ўқимаган, бор-йўғи тиббиёт билим юртига ўқишга кирган, «баъзилар» ўйлаганидек, муаллимлик касбини берадиган techинститутда ўқийдиган, бир колхозчининг фарзанди эдим. Шунга қарамай, мен олдинга интилдим. Иш, ўқиш, юмушлардан қочмадим. Орзу-ниятларим сари олға юрдим. Мени яхши тушунган, демак-ки, келажагимни кўра билган, ўзи ҳам ўта тиришқоқ, ўта ҳаракатчан, қийинчиликлардан тоймас ва толмас ТошМИ талабасига уйландим. Турмушимиз тобора яхшиланиб нурафшон кунларга чиқиб олдик. Мен олим бўлдим. Севимли завжам врач бўлиб етишди. Бир нечта китоблар ёздим. Аммо бир замонлар «Ахир, китобларингизни ўқиб турардик» деган Муяссар эмас, балки фарзандларимнинг онажониси, келинларим, набираларимнинг ойижониси, менинг азиз севимли умр йўлдошим ўқиди... Уч ўғилни катта қилиб тарбиялаб, институтларда ўқитиш, тўғрисини айтсам, осон бўлмади. Аммо фариштали завжам билан биз барча қийинчиликларни енгиб чиқдик. Обрўли, ўзига тўқ, тинч-тотув оиламизга, яхши-яхши қудаларга, келинларга мушарраф бўлдик. Мана учала келинимиз аспирантурада ўқиб, илмий иш билан машғуллар... Асал-қанд набираларимиз кўпайиб боришмоқда...



Энди, демоқчиманки, биринчи муҳаббатим соҳибаси – Муяссархон билан ўртамиздаги туйғуни ўша вақтларда ҳеч ким писанд қилмади, қадрига етмади. Ҳолбуки, бизнинг таг-тахтли оиламиз ҳам Муяссарлар оиласидан жуда пастда эмас экан. Муаммоларни ечса бўлар экан... Эссиз, бизни тушунадиган, бизни йўлга соладиган, бизга ёрдам қўлини чўзадиган «катталар» топилмади. Оқибат – икки ёшнинг илк муҳаббат туйғулари ким билиб, ким билмай хуфиёна совурилди. Биз эса ўз ёғимизга ўзимиз қовурилиб ахири муҳаббатимиздан..., орзуларимиздан..., лаззатли оташ туйғуларимиздан мосуво бўлдик...

Илк ёшлик муҳаббатимиз шу зайлда хотима топди...

Қани эди, Муяссархон ҳам менинг ёзганларимга жавобан ўзлари ҳақида нима бўлган, нимани ўйлаганлар, нимага ортга чекинганлар, қандай қилиб воқеа бундай ноҳуш бурилиш олган – ёзсалар! Шунда муҳаббатимизнинг асл қисмати янада ойдинлашган бўлармиди?!

* * *

Ишонасизми, бадиани қайта ўқиб, таҳрирдан чиқариб бўлган куним кечаси яна туш кўрдим. Талабалик йиллари эмиш. Муяссар билан университет кўчасида тасодифан учрашиб қолибмиз. У мени ўша ёшлик дамларидагидек «ўзиники» билиб, тортинмай гаплашди. Билагимдан тутиб тез-тез нималарнидир сўзлаб кетди. Мен эса «шошманг-шошманг, ҳозир хаёлимиздан кўтарилади, эртага қачон, қаерда учрашамиз?» дедим, унинг гапини бўлиб... Бироқ, яна жавобини ололмадим... Уйғониб кетдим. Сўзларим уйқумда қолди...

**Азимжон ҚОСИМОВ**

***Газетамиз саҳифаларидаги мазкур рамз билан белгиланган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида тайёрланди.***

**Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00.
Босишга топширилди- 20.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

**Бош муҳаррир: 134-86-91**
**Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20**
**Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46**
**Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50**
**Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46**
**Бухгалтерия: 132-07-41**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент - 700000**
**Амир Темур кўчаси,**
**1-тор кўча, 2-уй.**
**«Олой» бозори ёнида.**

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ -** 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **027**-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1432. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10753
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Навбатчи — **Д. ИБРОҲИМОВ**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**
1 2 3 4 5